БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

5-йил чиқиши
№ 227 (1231)
18 НОЯБРЬ СЕШАНБА 1958 йил
Баҳоси 30 тийин

Яқин 15 йил ичида СССР ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми жиҳатидангина эмас, шу билан бирга аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш жиҳатидан ҳам жаҳонда биринчи ўринга ўтиб олади, мамлакатимизда коммунизмнинг моддий-техника базаси вужудга келтирилади, бу эса шу билан бирликда Совет Иттифоқининг энг тараққий этган капиталистик мамлакатлар билан тинч иқтисодий мусобақада қозонган буюк ғалабаси бўлади.

(КПСС XXI съездида ўртоқ Н. С. Хрушчев қиладиган докладнинг тезисларидан).

Областимиз меҳнаткашлари ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг КПСС XXI съездида қиладиган доклади тезисларини қизғин маъқулламоқдалар

☆ ☆

Коммунистик жамият қуришни кенг авж олдиришнинг буюк программаси

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг шу йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Пленуми ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг КПСС XXI съездида «СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959-1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамлари» ҳақида қиладиган доклади тезисларининг проектини, шунингдек КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Мактабнинг турмуш билан боғланишини мустаҳкамлаш тўғрисида ва мамлакатда халқ маорифи системасини янада ривожлантириш ҳақида»ги тезислари проектини муҳокама қилди ва маъқуллади. КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорига мувофиқ ўртоқ Н. С. Хрушчев докладининг тезислари ҳамда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг мактаблар ҳақидаги тезислари бутун мамлакатда кенг муҳокама қилинмоқда.

КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг материалларини бутун совет халқи каби областимиз меҳнаткашлари ҳам гоят зўр қўтаринкилик ва хурсандчилик ҳисларига тўлиб-тошган ҳолда кутиб олдилар. Бу тарихий ҳужжатларда ижодкор халқимизнинг Коммунистик партия раҳбарлигида қўлга киритган оламшумул-тарихий ғалабаси ифода қилинган, мамлакатимизда саодатли коммунистик жамиятни барпо қилишнинг янги, улуғвор программаси кўрсатиб берилган.

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959-1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамлари коммунизмнинг нурли чўққилари сари голибона равишда олга боратган қаҳрамон халқимизнинг зафарли йўлини равшан кўрсатиб турибди, қудратли социалистик лагерь мамлакатлари меҳнаткашларини социализм қурилиши йўлида янги меҳнат ғалабаларига руҳлантирмоқда, ер юзидаги юз милионларча оддий кишиларни — тинчлик тарафдорларини хурсанд қилмоқда, капитализм дунёсини ҳаяжонли ташвишга солмоқда.

«Уз Коммунистик партияси атрофида жипслашган совет халқи, — дейилади ўртоқ Н. С. Хрушчев докладининг тезисларида, — **шундай чўққиларга эришди, шундай жуда катта ўзгаришлар қилдики, булар мамлакатимизнинг ўз тараққиётининг энди энг муҳим янги даврига — коммунистик жамият қуришни кенг авж олдириш даврига қадам қўйишига имконият беради. Коммунизмнинг моддий-техника базасини ҳар томонлама вужудга келтириш, Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қувватини янада мустаҳкамлаш ва шу билан бир вақтда совет халқининг ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини тағин ҳам тўлароқ қондириш вазифалари шу даврнинг асосий вазифалари бўлади. Бу эса капиталистик дунё билан бўлаётган мусобақанинг ҳал қилувчи босқичи бўладики, бу босқичда аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш жиҳатидан энг тараққий этган капиталистик мамлакатларга етиб олиш ва ўзиб нетишдан иборат тарихий вазифа амалда бажарилиши лозим. Коммунистик партия, бутун совет халқи бу вазифанинг муваффақиятли ҳал этилишига тўла равишда аминдирлар».**

Шу кунларда областимиз саноат корхоналарида, темир йўл транспорти ва қурилишларида, колхоз ва совхоз далаларида меҳнаткашларнинг КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг якунларига бағишланган кўп кишилик йиғилишлари ва митинглари бўлиб ўтмоқда, мингларча агитаторлар ноябрь Пленумининг материаллари юзасидан қизғин суҳбатлар ўтказмоқдалар. Бу йиғилиш ва митингларда, самимий суҳбатларда гоят катта сиёсий аҳамиятга эга бўлган тарихий ҳужжатлар якдиллик билан маъқулланмоқда. Ўртоқ Н. С. Хрушчев докладининг тезислари кенг меҳнаткашлар оммасининг сиёсий руҳи ва меҳнат ғайратини янада ошириб юборди.

Ишчилар, инженер-техник ходимлар, хизматчилар, колхозчи-деҳқонлар, механизаторлар ва зиёлилар совет давлат тузумининг буюк афзалликлари ҳақида, Совет Иттифоқининг забардаст қадам ташлаб инсониятнинг порлоқ истиқболи — коммунизмга бораётганлиги тўғрисида, Ўртоқ Н. С. Хрушчев докладининг тезисларида келтирилган ғалаба рақамлари ҳақида фахрланиб гапирмоқдалар, КПСС XXI съезди шарафига социалистик мусобақани кенг авж олдириб, коммунистик жамият қуришни тезлаштириш ишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшажакларини изҳор қилмоқдалар.

Тошкентдаги Электротехника заводи коллективининг йиғилишида инженер ўртоқ П. Пантюхин бундай деди:

— Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг партия XXI съездида қиладиган доклади тезисларида совет кишиларининг энг юксак орзулари ўз ифодасини топган. Мамлакатимизнинг халқ хўжалигида етти йил ичида ишлаб чиқариш кучларининг тарих шу вақтгача билмаган даражада ўсишига эришилади. Бу программанинг реаллиги социалистик тузумнинг ажойиб имкониятларига, совет ватанпарварларининг битмас-туганмас ижодий активлигига асосланган-дир. Биз ўз фидокорона меҳнатимиз билан, техникани узлуксиз тараққий эттириш билан ўртоқ Н. С. Хрушчев доклади тезисларида белгиланаётган улуғвор вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишига ҳисса қўшамиз.

— Совет халқининг эртаги куни ажойибдир, — дейди донг чиқарган пахта устаси, уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Октябрь районидаги «Шарқ юлдузи» колхозининг раиси ўртоқ Ҳамроқул Турсунқулов. — Съездолди муҳокамасига қўйилган тезисларнинг ҳар бир сатрида гоят катта куч бор! Бу ажойиб ҳужжатни ўқиётган пайтингда, кўз олдингизда коммунизмни яратишнинг улуғвор манзараси намоён бўлади.

Коммунистик партия биз пахтакорлардан, пахта етиштиришни 1,3-1,4 марта кўпайтиришимизни талаб қилмоқда. Бу тамомила бажариб бўладиган реал вазифадир. Биз ўз колхозимизда пахтанинг ялпи миқдорини шу муддат ичида икки баравар кўпайтиришни белгиламоқдамиз. Бунинг учун бизга ҳамма нарса — машиналар, минерал ўғит, илғор агротехника бериб қўйилган. Ҳосилни 40 центнергача етказа оламиз, пахта экиш учун 250 гектар янги ер ўзлаштирамиз.

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959 — 1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамларининг КПСС XXI съездида қараб чиқилиши ва тасдиқланиши — партиянинг ва бутун совет халқининг ҳаётида жуда катта воқеадир. Партия ташкилотлари кенг меҳнаткашлар оммаси ўртасида СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг контроль рақамлари тўғрисида ўртоқ Н. С. Хрушчев қиладиган доклад тезислари проектини ҳамда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг халқ маорифи системасини янада ривожлантириш тўғрисидаги тезислари проектини кенг тушунтириш ва муҳокама қилишни уюштиришлари, шу муносабат билан КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг материалларини пропаганда қилиш ва пахта ўрганишни ҳар тарафлама кучайтириб юборишлари керак. Клубларда, маданият уйлари ва саройларида, қизил бурчакларда ва кутубхоналарда етти йиллик план контроль рақамлари проектини, шунингдек мамлакатда халқ маорифи системасини янада ривожлантириш ҳақидаги тезисларни тушунтиришга бағишланган виставкалар ташкил қилиш, лекциялар, докладлар ва суҳбатлар ўтказиш лозим.

КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми томонидан қабул қилинган ҳужжатларни муҳокама қилишда кенг меҳнаткашлар оммасининг актив иштирок этишини таъминлаш — муҳим вазифадир. Тезислар проектининг умумхалқ муҳокамаси, шу муносабат билан ўтказилаётган барча ташкилий, маданий-оммавий тадбирлар ҳар бир коллектив олдида турган конкрет ишлаб чиқариш вазифалари билан мустаҳкам боғланган бўлиши ва КПСС Марказий Комитети Пленуми томонидан қабул қилинган ҳужжатларда қўйилган вазифаларни сўзсиз амалга ошириш учун меҳнаткашларни сафарбар этишга бўйсундирилиши керак.

Ҳеч шубҳа йўқки, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари областимиз меҳнаткашларини КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг қарорларини муваффақиятли амалга оширишга сафарбар қилиш учун бутун чораларни кўрадилар, ишчиларни, колхозчиларни, зиёлиларни Коммунистик партия тевараги янада маҳкам жипслаштирадилар ва уларни коммунистик қурилишнинг янги, улуғвор программасини амалга ошириш учун курашга бошлаб борадилар.

«Узбексельмаш» заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг КПСС XXI съезда «СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959-1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамлари» ҳақида қиладиган доклади тезисларини муҳокама қилишга бағишланган митинги бўлди. Суратда: митинг қатнашчилари. Минбарда заводнинг илғор токари М. Исроилов.

В. Салов фотоси.

Орзуларимизни ифодаловчи рақамлар

Индустрлашган Тошкентда илғор бўлган Электротехника заводининг коллективи партия XXI съезди шарафига бўлаётган меҳнат вахтасини пландан ташқари яна бир минг-та приборлар чиқариш билан нишонлади. «Молния» варақалари корхонада графиқдан бир ой ўзиб кетилгандигини хабар қилдилар. Шундай бўлса ҳам ишлаб чиқариш суръатлари тобора тезлашмоқда. КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг матбуотда эълон қилинган материаллари ишчилар ва мутахассисларни меҳнатда янги ғалабалар қозонишга илҳомлантирди.

— Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг партия XXI съезида қиладиган доклади тезисларида, — деди корхонада бўлган йиғилишда инженер П. Пантюхин, — совет кишиларининг энг адил орзулари ўз ифодасини топган. Мамлакатимизнинг халқ хўжалигида етти йил ичида ишлаб чиқариш кучларининг тарих шу вақтгача билмаган даражада ўсишига эришилади. Бу программанинг реаллиги социалистик тузумнинг ажойиб имкониятларига, совет ватанпарварларининг битмас-туганмас ижодий кучларига асосланган-дир. Ҳар биримиз биламизки, партия бизни бошлаб бораётган тарихий ғалабаларга техникани узлуксиз тараққий эттириш натижасида эришамиз. Масалан, заводимиз коллективи шу етти йилликда ишлаб чиқаришнинг ҳамма процессларини максимал даражада автоматлаштиришга белгиламоқда. Цехларда бешта йирик автомат линиялар ишга туширилади. Пластмасса буюмлар чиқариш тўрт мартадан ҳам зиёдроқ кўпайтирилади. Синтетик материаллар электроаппаратлар ишлаб чиқариш учун асосий хом ашё бўлади.

Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводида йил бошидан буён давлат топшириғидан ташқари қўшимча равишда қариб беш миллион сўмлик маҳсулот чиқарилди.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорларини муҳокама қилишга бағишланган йиғилишда мастер Зокир Боқижонов бундай деди:

— Заводимизда тайёрланаётган ускуналар мамлакатдаги ҳамма тўқимачилик корхоналарига ва кўпгина чет давлатлардаги тўқимачилик корхоналарига юборилмоқда. Биз тўқимачилик машиналари ишлаб чиқаришни узлуксиз кўпайтириш, уларнинг эксплуатация сифатини яхшилай бориш билан ўртоқ Н. С. Хрушчев доклади тезисларида белгиланаётган вазифаларнинг бажарилишига кўмаклашамиз. Бизларнинг ҳар биримиз Пленум қарорларига жавобан ўз зиммамизга янги социалистик мажбуриятлар оламиз. Цех коллективи йил охиригача йиғирув машиналари учун пландан ташқари 160 та узел йиғишга ваъда қилади.

Тошкентдаги бир-бирига боғлиқ бўлган корхоналарнинг коллективлари — биринчи пойафзал фабрикаси, кўн комбинати, металл-фурнитура заводи ва қоғоз комбинатининг коллективлари ажойиб ташаббус кўрсатдилар. Улар мазкур корхоналарда тежалган материаллардан йил охиригача 300 минг жуфт пойафзал чиқариш учун мусобақалашмоқдалар. Ана шу пойафзалдан ҳозирдаёқ 290 минг жуфти тайёр қилинди.

— Келгуси етти йилликда совет кишиларининг турмуш эҳтиёжини тобора тўлароқ қондириш энг муҳим умумдавлат вазифаларидан бири қилиб қўйилмоқда, — деди биринчи пойафзал фабрикаси болтинчи цехида бўлган йиғилишда Н. Ковилин. — Ўртоқ Н. С. Хрушчев доклади тезисларида оғир индустрияни зўр бериб ривожлантириш кўзда тутилаётганлиги енгил саноатни янада юксалтириш учун, халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун гоят яхши шароит яратади. Биз партия томонидан белгиланаётган янги улуғвор планларни амалга оширмоқ учун кучимизга-куч қўшиб ишлаймиз.

Тошкент тўқимачилик комбинати, «Подъёмник» заводи ва шаҳардаги бошқа кўпгина саноат корхоналарининг коллективлари ўз йиғилишларида КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорларини қизғин маъқуллаганликларини, партия XXI съездини муносиб кутиб олиш учун бўлаётган мусобақада меҳнат ютуқларини кўпайтиришга қатъий қарор берганликларини изҳор қилдилар. (УзТАГ).

Хўжалигимизни тинмай ривожлантирамиз

Колхозимиз аъзолари СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959-1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамлари тўғрисида КПССнинг XXI съездида ўртоқ Н. С. Хрушчев қиладиган доклад тезисларини зўр хурсандчилик билан маъқуллаётирлар.

1949 йилда 100 гектарга етармас пахта майдонига эга бўлган колхозимиз эндиликда йирик хўжаликка айланди. Партия ва ҳукуматимизнинг биз деҳқонларга қилаётган битмас-туганмас ғамхўрлиги туфайли пахта майдонимиз кўрик ерлар ҳисобига қарийб 800 гектарга етказилди. Колхоз ташкил қилинган дастлабки йилда гектаридан давлатга 7-8 центнердан пахта топширилган бўлса, сўнгги йилларда ҳар гектар ердан олинадиган ҳосил 28-30 центнерданга етказилди. Бу, Мирзачўл ерлари шароитида қўлга киритилаётган катта ютуқдир.

Бу йил колхозимиз аъзолари ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам йиғим-терим суръатини кучайтириб, гектаридан қамида 35 центнердан пахта йиғиб олиш учун астойдил курашмоқдалар. Ўртоқ Шоди Ҳудойқулов бошлиқ бригада аъзолари йиллик планни муддатидан илгари бажардилар, гектаридан 35 центнердан ҳосил йиғиб олдилар. Каримберди Жўраев, Олимжон Мўминов ўртоқлар бошлиқ бригада аъзолари ҳам шу кунларда мажбурият ҳисобига пахта топширмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми қарорлари, 1959-1965 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантирилишнинг асосий вазифалари тўғрисида партиямизнинг XXI съездида ўртоқ Н. С. Хрушчев қиладиган докладнинг тезислари колхозимиз пахтакорлари ўртасида кенг муҳокама қилинмоқда. Доклад тезислари ҳаммамизни ҳам янгиданянги меҳнат муваффақиятларига руҳлантириб юборди.

Партиямиз XXI съезди шарафига зиммага олган мажбуриятимизни тўла бажариш билан муносиб совға тайёрлаймиз. Шу билан бир қаторда пахта майдонларимизни янги ерлар ҳисобига йилдан-йилга кенгайтириб, ундан олинадиган ҳосилни тинмай ошира бориш учун астойдил курашамиз.

Колхозимиз аъзолари қишлоқ хўжалигининг бошқа ҳамма тармоқларини ҳам янада ривожлантириш учун ҳаракат қиладилар. Бу билан биз СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959-1965 йилларга мўлжалланган планини ошириб бажариш учун умумхалқ курашига ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Ю. ХУЖАБЕКОВ,
Боёвут районидаги Карл Маркс номли колхоз раиси, Узбекистон ССР Олий Советининг депутати.

Коммунизм қурилишининг улуғвор программаси

«Октябрь революцияси» номли паровоз-вагон ремонт заводининг коллективи КПСС XXI съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун бошланган умумхалқ ҳаракатига қўшилиб, ишлаб чиқариш суръатини кун сайин тезлаштирмоқда. Бунинг натижасида белгиланган топшириқлар ой сайин ошиғи билан адо этилаётир. Шу йилнинг ўтган ўн ойи ичида пландан ташқари 1,4 миллион сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Меҳнатда ана шундай ғалабаларни қўлга киритаётган завод ишчилари, инженер-техник ходимлари ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг КПСС XXI съездида «СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959 — 1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамлари» ҳақида қиладиган доклади тезислари проектини маъқуллаш тўғрисидаги КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг қарорига жавобан янада катта зафарларга интилмоқдалар. Бу ҳужжат заводнинг барча цех ва участкаларида кенг муҳокама қилиниб, пухта ўрганилмоқда.

Қозон цехи ишчиси, Тошкент область Советининг депутати Вали Мажидов биз билан суҳбатда бундай деди:

— Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг партия XXI съездида қиладиган доклади тезисларида халқ хўжалигимизнинг барча соҳаларини ривожлантириш билан бирга меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини янада оширишга ҳам катта эътибор берилган. Коммунистик партия томонидан ишлаб чиқилган бу улуғвор программа мамлакатимизда коммунизм қурилишини тезлаштиради ва энг зарур маҳсулотлар ишлаб чиқаришда АҚШга етиб олиш ва ундан ўзиб кетишни таъминлайди. Биз, ишчилар коммунизмнинг бу улуғвор программасини амалга оширишга, айниқса темир йўл транспортини ривожлантириш юзасидан белгиланган топшириқни ошиғи билан бажарилга ўзимизнинг ҳиссамизни қўшиш учун астойдил меҳнат қиламиз.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев доклади тезисларини қунт билан ўрганаётган кўпгина ишчилар янги мажбурият олиб, смена нормаларини 300 процентга етказиб бажаришга сўз бердилар. 2- механика цехи токари К. Фозилов, паровоз цехи слесари М. Абдуқодиров, чўян қуйиш цехи ишчиси В. Акбаров шулар жумласидандирлар.

Ж. МАҲМУДОВ.

ВЛКСМ Марказий Комитетида

ВЛКСМ Марказий Комитети ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг КПСС XXI съездида «СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959 — 1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамлари» ҳақида қиладиган доклади тезисларининг ва КПСС Марказий Комитети ҳамда СССР Министрлар Советининг «Мактабнинг турмуш билан боғланишини мустаҳкамлаш тўғрисида ва мамлакатда халқ маорифи системасини янада ривожлантириш ҳақида»ги тезисларининг умумхалқ муҳокамасида комсомол ташкилотларининг иштироки тўғрисидаги масалани муҳокама қилди.

ВЛКСМ Марказий Комитети район, шаҳар, область, ўлка комсомол комитетларига ва иттифоқчи республикалар ЛКСМ Марказий Комитетларига саноат корхоналари, қурилишлар, колхозлар, совхозлар, РТСлар, муассасалар, ўқув юртлари ва мактабларидаги барча комсомол ташкилотларида КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг материалларини муҳокама қилишни уюштиришни топшириди. Қарорда бошланғич комсомол ташкилотларида йиғилишлар, КПСС Марказий Комитети Пленуми материалларини ўқиш ва муҳокама қилиш, шаҳарлар, районлар, областлар, ўлка ва республикаларда тегишли комсомол комитетларининг пленумларини ёки комсомол активининг йиғилишларини ўтказиш тавсия этилади.

Комсомол ташкилотлари оғзаки, босма ва кўргазмали пропаганда ҳамда агитациянинг ҳамма воситалари билан ёшлар ўртасида ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг «СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959 — 1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамлари» ҳақидаги доклад тезисларини, шунингдек совет мактабини қайта қуриш тўғрисидаги тезисларни кенг пропаганда қилишни авж олдиришлари лозим.

ВЛКСМ Марказий Комитети барча комсомолларни, йигит ва қизларни мамлакатимизда коммунистик қурилишнинг улуғвор программасини бажариш йўлида ўз ижодий активликларини янада кучайтиришга чақирди.

Боёвут районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси ўртоқ Т. ЛАТИПОВГА, партия ташкилотининг секретари ўртоқ А. ҚУРБОНОВГА, комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ Н. ҚУШМУРОДОВГА, қишлоқ Советининг раиси ўртоқ П. ШУҚУРОВГА

Узбекистон КП Тошкент область комитети ва область ижроия комитети Боёвут районидаги «Коммунизм» колхозининг КПСС XXI съезди шарафига социалистик мусобақани кенг қизитиб пахта топшириш планини муддатидан илгари 16 ноябрда 100,2 процент бажарганлигини қониқиш билан қайд қиладилар.

Колхоз аъзолари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, давлатга қўшимча равишда яна камида 1500 тонна пахта сотиш мажбуриятини олдилар.

Шунингдек, колхоз давлатга гўшт сотиш планини 101, жун сотиш планини 108,9 процент, тери сотиш планини 101 процент, пилла сотиш планини 125,6 процент бажарди. 150 процент ем-хашак, 109 процент дағал хашак тайёрланди, 180 процент силос бостирилди.

Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитети колхозчиларни, РТС ишчиларини пахтани йиғиб-териб олишда колхозга ёрдам бераётган Тошкент фармацевтика институти студентларини, ҳисоб-бухгалтерия техникуми ва Ховос район мактаб ўқувчиларини, партия ва комсомол ташкилотларини, қишлоқ хўжалик мутахассисларини эришилган муваффақият билан табриклайдилар ва ишонч билдирадиларки, улар қўшимча олган мажбуриятларини бажарадилар, барча пахта ҳосилини ўз вақтида ва нобуд қилмай териб давлатга топширадилар, чорва қишловига яхши тайёргарлик кўрадилар, кузги шудгорни ўз вақтида ўтказадилар ҳамда қишлоқ хўжалигининг барча соҳасини ривожлантиришда бундан буён янги муваффақиятларга эришадилар.

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ

Мирзачўл районига ва Киров номли совхозга кўчма Қизил байроқлар берилди

Узбекистон КП Тошкент область комитети ва область ижроия комитети пахтани йиғиб-териб олиш бўйича районлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 11 ноябрдан 15 ноябргача бўлган якунини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи **Мирзачўл районига** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Унубоев,** район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Худойқулов,** район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Абдуллаев,** қишлоқ хўжалиги бўйича район инспекциясининг бошлиғи ўртоқ **Сутюшев**) берилди. Бу район ўтган беш кунлик ичида 4,44 процент пахта тайёрлаган ва давлат планини 65,84 процент бажарган. Кўчма Қизил байроқ Октябрь районидан олиб берилади.

Пахта йиғим-теримида намуна кўрсатиб ишлаган энг яхши колхозчилар, совхоз ва РТС ишчилари, механик-ҳайдовчиларни мукофотлаш учун Мирзачўл районига 3 минг сўм пул ажратилди.

Шунингдек Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ ва Пискент районларининг пахта йиғим-терими бўйича ўтган вақт ичида яхши ишлаганликлари кайд қилинди.

* * *

Область партия комитети ва область ижроия комитети пахтани йиғиб-териб олиш бўйича совхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 11 ноябрдан 15 ноябргача бўлган якунини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи **Ўрта Чирчиқ районидаги Киров номли совхозга** (директори ўртоқ **Пак Сан Ер,** партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Федин,** ишчилар комитетининг раиси ўртоқ **Тен**) берилди. Бу совхоз бўйича ўтган вақт ичида 4,93 процент пахта тайёрланган ва давлат плани 70,07 процент бажарилган. Кўчма Қизил байроқ 3-«Боёвут» совхозидан олиб берилади.

Пахта йиғим-теримида намуна кўрсатиб ишлаган энг яхши теримчиларни ва механизаторларни мукофотлаш учун Киров номли совхозга 2 минг сўм пул берилди.

6-«Кўкорол» ва 3-«Боёвут» совхозларининг пахта териш ва тайёрлаш бўйича ўтган вақт ичида яхши ишлаганликлари қайд қилинди.

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ўртоқ Р. Е. Мельниковни Узбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлаш тўғрисида

Тугулган кунига 50 йил тўлиши муносабати билан, партия ва совет органларида кўп йиллар ва самарали ишлаганлиги учун ўртоқ Роман Ефимович **Мельников** — Узбекистон КП Марказий Комитетининг иккинчи секретари Узбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси
Ш. РАШИДОВ
Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Ж. ИЛҲОМОВА

1958 йил, 17 ноябрь.
Тошкент шаҳри.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

ЮЗ-ХОТИР ҚИЛИБ...

(2-«Ташпромторг» партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишидан)

Йиғилиш белгиланган қарийб бир соат кеч бошланди. Шунда ҳам ташкилот ҳисобида турувчи бир неча коммунист келмади. Йиғилиш очилишини сабрсизлик билан кутган коммунистлар ниҳоят партбюро секретари Ўртоқ Штернинг партия ташкилотининг ҳисобот даврида қилган ишлари юзасидан докладини диққат-эътибор билан тинглай бошладилар. Негаки, бу йиғилишда 1100 кишини бирлаштирган йирик савдо органи партия ташкилотининг бир йиллик фаолиятига якун ясалади, унинг иши ҳар томонлама чуқур муҳокама қилинади ва холис баҳоланади. Дарҳақиқат коммунистлар докладчидан ҳам, музокарада сўзга чиққанлардан ҳам шуни кутган эдилар.

Докладда торг коллективининг, жумладан партия ташкилотининг ҳисобот даврида қўлга киритган ютуқлари батафсил, шу билан бирга дабдабали сўзлар билан қайд қилиб ўтилди. Савдо хизмати бирмунча яхшиланганлиги, бутун йил давомида торгга қарашли бирор магазинда давлат мулкини ўғирлаш, растрата қилиш сингари жиноий ҳаракат содир бўлмаганлиги таъкидланди. Ҳисобот докладининг бу қисми объектив ва тўғри бўлиши мумкин.

Аммо, торг ишидаги, унинг партия ташкилоти фаолиятидаги жиддий камчиликларни кўрсатиш ва бунинг сабабларини очиб ташлашга докладдан ақалли андаккина ҳам ўрин берилмаган. Агар бу докладни юзаки мулоҳаза юритадиган киши эшитса борми, дарҳол у «танқид ва ўз-ўзини танқидга катта ўрин берилибди, ҳамма камчиликлар очиб ташланган», деб ўйлаши мумкин. Чунки унда гап торг бўйича 9 ойлик товар оборот плани бажарилмай, 2 миллион 900 минг сўмлик кам мол сотилганлиги, торгга қарашли магазинларнинг 30 процента товороборот планини бажармай келаётгани ҳақида борарди.

Афсуски, докладчи мана шу камчиликлар қандай қилиб содир бўлгани, айбдорлар шахсан кимлар эканлиги ҳақида лом-мим демади. Бунинг эвазига «баъзи», «айрим», «қисман» сингари умумий мулоҳазалар билан чегараланиб қўяқолди. Мана, докладчининг жонига оро кирган ана ўша умумий сўзлар ва «танқидий» мулоҳазалардан айрим намуналар: «Айрим ҳолларда биз бузувчилар (?!) га нисбатан либералларча муносабатда бўламиз, бу билан эса уларнинг ҳаракатини маъқуллаб, умумий ишимизга зарар етказамиз...» Қанақа бузувчилар тўғрисида гап боряпти, улар кимлар, либераллик нимадан иборат эканлиги ҳақида ақалли бирорта ҳам конкрет факт келтирилмай навбатдаги «танқид»га ўтилди. «...Шуни айтиш керакки, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда биз баъзи хатоларга йўл қўймоқдамиз, шу туфайли товороборот плани бажарилмай қолаётир ва савдо қоидалари бузилаётир».

Шу билан кадрлар ўртасида ишлаш тўғрисидаги гап тамом. Ваҳоланки докладда бу масала асосий ўринни эгаллаши зарур эди. Ҳақиқатан, магазинлардаги шикоят дафтарларига айрим савдо ходимларидан ранжиб, меҳнаткашлар томонидан битилган эътирозлар, савдо инспекторлари ва жамоат контроли аъзоларининг кўпгина магазинларда совет савдоси қоидалари бузилаётганлиги ҳақидаги фактларни аниқлаганликлари кадрларга боғлиқ бўлмаса? Нахотки, кадрларнинг нотўғри жойлаштирилаётганлиги, ишни эплаёлмаётган айрим ходимларни торг раҳбарлари ўз паноҳларида сақлаб келаётганлиги ҳақида партия бюросига сигнал берилмаган бўлса? Нахотки ҳамма имкониятлар бўлатуриб бир-бир ярим йилдан бери давлат планининг бажарилишини таъминламаётган ўнлаб ношуд магазин мудирларини партбюро аъзолари билмасалар?

Биладилар. Лекин билганлари билан иложлари қанча. Ахир бу йиғилишда торг директори Исломов, унинг ўринбосари Каспаров ўртоқлар ўтиришипти-я! Бу масала устида кўпроқ гапириладиган бўлса, мана шу ўртоқларни ранжитиб қўйишга тўғри келади. Юз-хотир қилиб, худди шундай мулоҳаза ва андишаларга бориб партия бюроси, шахсан унинг секретари Ўртоқ Штерн ахир бутун бир йил давомида маъмуриятнинг хўжалик фаолиятини бюро мажлисида муҳокама қилмаганлиги ажабланарлидир.

Хуллас доклад «мен сенга тегмайман, сен ҳам менга тегма» қабилида бўлиб ўтди. Доклад тугагач йиғилишда раислик қилувчи Ўртоқ Каспаров музокарада ким сўзга чиқади, деб бир неча марта такрорлади, аммо ҳеч кимдан садо чиқмади.

Ниҳоят, раис «штатли нотиқлар»дан бири Ўртоқ Рухленконинг сўзга чиқишини илтимос қилди. Коммунист Рухленко одатдагидек минбарга чиқди-да, беозоргина нутқ сўзлай кетди. Унинг «энг қаттиқ» танқидий мулоҳазалари фақат «партбюро ҳамма звеноларга яхши раҳбарлик қилди, деёлмаймиз, бунинг сабаби бюронинг пассивлигида, партбюро секретарининг тажрибасизлигида» дейишдан иборат бўлди. Сўнгра у ўз нутқига бошқача безак бера бошлади ва пировардида «умуман партбюро ҳамда унинг секретари ҳисобот даврида жуда яхши ишлади» демагунча кўнгли таскин топмади.

Раснинг имо-ишорасидан сўнг минбарга навбатдаги ваъзхон Ўртоқ Саркисов чиқади. У коммунистларнинг сиёсий ўқувини янада яхшилаш кераклиги ҳақида тўрт-беш оғиз уёқ-буёқдан гапирган бўлди. Лекин нутқини асосан партбюро ишини мақташ билан якунлади. Партбюро секретарининг ўринбосари, касаба союз комитетининг раиси Ўртоқ Валиев ўз сўзида йўл қўйган камчиликларни рўй-рост айтишга журъат этолмади, партия бюроси фаолиятини тузукроқ анализ қилиб бермади. Торг директори Ўртоқ К. Исломов ташкилотда ҳақиқий аҳвол яхши эмаслигини эътироф этди-ю, бироқ бунинг сабабларини очиб ташламади. Фақат айрим магазин ходимлари ва савдо бўлими бошлиқларини силаб-сийпабгина танқид қилишдан нарига ўтмади.

Хуллас саксонга яқин коммунист иштирокида ўтган бу йиғилишда принципиал, кескин танқид ва ўз-ўзини танқид бўлмади. Торг кадрлар бўлими бошлиғи Ўртоқ Володченконинг кадрларни жой-жойига қўйиш ва уларни пастдан юқорига кўтариш соҳасидаги жиддий камчиликлар тўғрисида айтган гапларига унчалик эътибор берилмади. Магазин мудири Ўртоқ Мирфайзиева «торг раҳбарлари намунали ишлаётган сотувчиларни рағбатлантириш юзасидан ҳеч қандай тадбирларни амалга оширмаётирлар», деб гап бошлаган ҳам эди, Каспаров ва бошқа айрим Ўртоқлар дарҳол луқма ташлаб, гапиртиргани қўйишмади.

Аҳвол доим шунақа-ку, тағин Ўртоқ Штернинг ўз докладида «йиғилишларда коммунистлар пассив қатнашадилар, ишимиздаги камчиликларни танқид ва ўз-ўзини танқид асосида очиб ташламайдилар, анчагина коммунистлар йиғилишга сабабсиз келмай қолдилар» дегани ортиқча. Оғзингдан чиққан гапни ёқанга ёпиштириб турсалар, умумий иш манфаатини кўзлаб айтилган танқидий мулоҳазаларинг ҳавода муаллақ қолиб кетаверса яна ким чиқиб гапирсин?

Танқид ва ўз-ўзини танқид бўлмаган жойда кўп камчилик ва хатоликлар содир бўлиши турган гап. Торгда 9 ойлик давлат планининг бажарилмагани, магазинларнинг 30 процента ёмон савдо қилаётгани: 1, 174, 33, 29-ва бошқа ўнлаб магазинларда торг складларида бор бўлган хилма-хил моллар келтириб сотилмаётганлиги, Тўхтаев, Пясик, Собирова Ўртоқлар сингари товароведбракерлар айби билан 9 ойда жамъи 1 миллион 719 минг сўмлик молнинг сифатига эътироз билдирилгани, савдо қоидаси 172 марта қўпол равишда бузилгани (бу фақат аниқлангани) каби рад этиб бўлмайдиган фактлар шуни тасдиқлайди.

Торг партия ташкилоти совет савдосини ташкил этишни яхшилаш ва савдо қилиш маданиятини юксалтириш учун актив кураш олиб борганида, хўжалик ходимлари ва маъмуриятнинг фаолиятини қатъий контроль қилиб турганида шундай ҳоллар юз берармиди? Агар партбюро кадрларни танлаш ва тарбиялаш масаласи билан жиддий шуғулланганида торг бўйича коммунист ва комсомоллардан бўлган магазин мудирлари 5-6 процентни ташкил этармиди? Булар ҳақида йиғилишда ҳечнима дейилмади. Йиғилишда Октябрь район партия комитети, шу билан бирга шаҳар партия комитетининг вакиллари ҳам қатнашдилар. Аммо йиғилишнинг бу тахлитда ўтишига уларнинг бетарафлик позициясида туриб қараганликлари кишини ғоят ажаблантиради.

З. ИСРОИЛОВ.

Маданият хроникаси

Мирзачўл районидаги «Коммуна» колхозининг радиоузели илғор теримчилар тажрибасини пропаганда қилмоқда. Илғор теримчилар микрофон олдида ўз тажрибаларини сўзлайдилар, радио орқали мутахассисларнинг маслаҳатлари бериб борилади. Яқинда кунига 180-200 килограммдан пахта тераётган ўн бешмингчи Эргашбой Бойжонов ўз тажрибасини сўзлаб берди. Колхозчилар учун турли темаларда лекция ва концертлар ҳам бериб борилмоқда.

К. Халилов.

* * *

Янгийўл районидаги Фрунзе номли колхозда ёш болали оналарга катта ғамхўрлик кўрсатилаётир. Уларнинг фарзандлари яхши жиҳозланган яслиларда тарбияланадилар. Болали оналар ана шу ясли яқинидаги участкада пахта терадилар. Кечқурунлари эса улар арава ёки машинада уйларига олиб бориб қўйилади. Колхоз правлениеси яслиларни ҳамма зарур нарсалар билан таъминлаётир.

Б. Мирзааҳмедов.

* * *

Тошкентдаги 22-болалар уйида тарбия олиб, вояга етган, ҳозир халқ хўжалиги ва маданиятимизнинг турли соҳаларида ишлаётган кишилар билан тез-тез учрашув кечалари ўтказиб турилади. Яқинда болалар уйи ўқувчилари шу инструкторларига актив ёрдам кўрсатмоқдалар.

Рўйхатга олувчи раҳбар кадрлар: Марказий Статистика Бошқармаси район инспекторларининг ёрдамчилари, рўйхатга олиш бўлим мудирлари ва уларнинг ўринбосарларини танлаш ва тасдиқлаш барча районларда тугалланди. Бу кишилар билан аҳолини рўйхатга олишга доир масалалар юзасидан машғулотлар ўтказиш тугалланди.

Инструктор-контролёрлар танлаш ва уларни тасдиқлаш Фрунзе ҳамда Марказий районларда тамомланган бўлса ҳам бошқа районларда бу иш қониқарсиз олиб борилмоқда, ваҳоланки бу районларда яна 145 инструктор-контролёр танлаш ва тасдиқлаш лозим.

Айниқса Октябрь ва Ленин районларида аҳвол яхши эмас. Шу чоққача зарур бўлган 190 кишидан фақат 45 киши танланган.

Шаҳар бўйича аҳолини рўйхатга олишда зарур бўлган 2120 кишидан ҳозиргача атиги 698 киши танланиб, 315 кишигина тасдиқланган.

Яқин фурсатда кадрлар танлаш ва уларни тасдиқлашни тугаллаш лозим. Шуни айтиб ўтиш керакки, кўпгина корхона ва ташкилот раҳбарлари, партия ҳамда касаба союз ташкилотлари аҳолини рўйхатга олишнинг аҳамиятини ҳамон яхши тушуниб етмаётирлар, шунинг учун ҳам район ижроия комитетларига кадрлар танлашда актив ёрдам кўрсатмаётирлар.

Бундан ташқари кадрлар танлашда шундай ҳолларга ҳам йўл қўйилмоқдаки, кишиларнинг соғлиги ва оилавий шароитлари ҳисобга олинмаётир. Шунинг натижасида соғлиги заиф кишилар ҳамда болали хотинлар аҳолини рўйхатга олиш ишига жалб қилинмоқда. Бундай кишилар аҳолини рўйхатга олиш ишини муваффақиятли ўтказиш учун амалий ёрдам беришлари анча огир. Кадрларни танлашда масаланинг ана шу томонларига ҳам эътибор бериш лозим.

Аҳолини рўйхатга олишни намунали ўтказиш учун, рўйхатга олувчи кадрлар танлаш ва уларни тасдиқлашни жадаллаштиришга қаратилган барча тадбирларни тез кунда амалга оширайлик!

А. ПОХВАЛЕНСКИЙ,
Тошкент шаҳар Статистика Бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШГА ПУХТА ТАЙЁРЛАНАЙЛИК!

* * *

Ҳукуматнинг қарорига мувофиқ тоғлиқ районларда, район марказидан узоқ бўлган қишлоқ советларида ва аҳоли яшайдиган пунктларда Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати муддатидан илгари ўтказилмоқда. Суратда: рўйхатчи Маҳкам Аширматов Бўстонлик районининг Янги қирғиз қишлоқ Советида ўртоқ Бобо Қозоқбоевнинг оила аъзоларини рўйхатга олмоқда.

* * *

Кадрлар танлашни жадаллаштирайлик

1959 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда рўйхатга олувчи кадрларни ўз вақтида танлаш катта аҳамиятга эга.

Ўз вақтида танланган ва пухта тайёрланган кадрларгина аҳолини рўйхатга олиш ишини юксак даражада ўтказа оладилар.

Рўйхатга олувчи кадрлар танлашда район партия комитетлари ва район ижроия комитетлари Марказий Статистика Бошқармаси инструкторларига актив ёрдам кўрсатмоқдалар.

Рўйхатга олувчи раҳбар кадрлар: Марказий Статистика Бошқармаси район инспекторларининг ёрдамчилари, рўйхатга олиш бўлим мудирлари ва уларнинг ўринбосарларини танлаш ва тасдиқлаш барча районларда тугалланди. Бу кишилар билан аҳолини рўйхатга олишга доир масалалар юзасидан машғулотлар ўтказиш тугалланди.

Инструктор-контролёрлар танлаш ва уларни тасдиқлаш Фрунзе ҳамда Марказий районларда тамомланган бўлса ҳам бошқа районларда бу иш қониқарсиз олиб борилмоқда, ваҳоланки бу районларда яна 145 инструктор-контролёр танлаш ва тасдиқлаш лозим.

Айниқса Октябрь ва Ленин районларида аҳвол яхши эмас. Шу чоққача зарур бўлган 190 кишидан фақат 45 киши танланган.

Шаҳар бўйича аҳолини рўйхатга олишда зарур бўлган 2120 кишидан ҳозиргача атиги 698 киши танланиб, 315 кишигина тасдиқланган.

Яқин фурсатда кадрлар танлаш ва уларни тасдиқлашни тугаллаш лозим. Шуни айтиб ўтиш керакки, кўпгина корхона ва ташкилот раҳбарлари, партия ҳамда касаба союз ташкилотлари аҳолини рўйхатга олишнинг аҳамиятини ҳамон яхши тушуниб етмаётирлар, шунинг учун ҳам район ижроия комитетларига кадрлар танлашда актив ёрдам кўрсатмаётирлар.

Бундан ташқари кадрлар танлашда шундай ҳолларга ҳам йўл қўйилмоқдаки, кишиларнинг соғлиги ва оилавий шароитлари ҳисобга олинмаётир. Шунинг натижасида соғлиги заиф кишилар ҳамда болали хотинлар аҳолини рўйхатга олиш ишига жалб қилинмоқда. Бундай кишилар аҳолини рўйхатга олиш ишини муваффақиятли ўтказиш учун амалий ёрдам беришлари анча огир. Кадрларни танлашда масаланинг ана шу томонларига ҳам эътибор бериш лозим.

Аҳолини рўйхатга олишни намунали ўтказиш учун, рўйхатга олувчи кадрлар танлаш ва уларни тасдиқлашни жадаллаштиришга қаратилган барча тадбирларни тез кунда амалга оширайлик!

А. ПОХВАЛЕНСКИЙ,
Тошкент шаҳар Статистика Бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

Чирчиқликлар аҳоли рўйхатига пухта тайёргарлик кўрмоқдалар

Чирчиқ шаҳрида 1959 йил Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатига пухта тайёрлик кўрилмоқда. Аҳолини рўйхатга олиш учун керакли кадрлар — рўйхатга олиш бўлимларининг мудирлари, инструктор-назоратчилар ва ҳисобчилар танланиб, улар шаҳар ижроия комитетининг тасдиғидан ўтказилдилар. Рўйхатга олиш учун ҳаммаси бўлиб 250 киши ажратилди. Шаҳардаги корхона ва муассасаларнинг ишидан, хизматчилари ҳам ташвишлантирмаётир.

Яна шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилмаган. Аҳолининг кўпчилиги рўйхатга олишнинг вақти, тартиби, моҳиятини билмайди.

Юқорида кўрсатилган камчиликларни пойтахтимизнинг Куйбишев, Фрунзе, Киров районларида ҳам учратиш мумкин.

Аҳоли рўйхатини олишга тайёргарлик кўриш ишлари фақат район статистика бўлимининг инспекторларига ташлаб қўйилган.

Район ижроия комитетлари жойларда рўй бераётган камчиликларни тезда тугатиб, рўйхатга олиш комиссияларининг ишларини жонлантириб юборишлари керак.

О. ЛЕВАК.

Тайёргарлик ишлари қизитиб юборилди

Верхне-волинск районида Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатига тайёргарлик ишлари қизитиб юборилди. Аҳолини рўйхатга олиш учун маҳаллий ташкилот ва муассасаларнинг энг яхши ходимларидан, колхозчи ва совхоз ишчиларидан 78 киши ажратилди ва улар район ижроия комитетининг тасдиғидан ўтказилди. Рўйхатга олиш учун ажратилган кишиларни бланкаларни тўлдириш ва рўйхатга олиш тартиби билан таништириш учун махсус семинар ташкил этилиб, машғулотлар олиб борилмоқда. Ноябрь ва декабрь ойларида бўлим бошлиқлари, уларнинг ёрдамчилари, инструктор-назоратчилар ва бевосита рўйхатга олувчилар билан махсус тушунтириш семинарлари ўтказилди.

Рўйхатга олишни муваффақиятли ўтказиш ва рўйхатга олувчи кадрларга маълум даражада қулайлик туғдириш учун районда 2 бўлим ташкил этилди. Бу бўлимларнинг ҳар қайсиси 10 та инструкторлик-назоратчилик участкаларига ажратилди. Бу бўлим ва участкалар кадрлар ҳамда рўйхатга олиш учун зарур бўлган инвентарлар билан таъминланди.

Ҳозир аҳоли ўртасида Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатининг максади ва аҳамияти тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Х. САГИЗОВ.

ИЖОДКОРЛАР ТАШАББУСИ ОШМОҚДА

«Чирчиқсельмаш» заводининг коллективи КПСС XXI съездида Ўртоқ Н. С. Хрушчев қиладиган доклад тезисларини зўр кўтаринки рух билан кутиб олди ва съезд шарафига социалистик мусобакани янада авж олдириб юборди.

Завод коллективи партия съездини йиллик планни 1 декабрда бажариб, пландан ташқари 12 миллион сўмлик маҳсулот бериш, меҳнат унумдорлигини мўлжалландан 8 процент ошириш, маҳсулот таннархини, эса 1,5 процент камайтириш билан кутиб олишга аҳд қилди. Ихтирочи ва рационализаторлар ишлаб чиқариш процессларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш асосида меҳнат унумдорлигини оширишда, материалларни тежашда активлик кўрсатмоқдалар. Корхонада махсус конференция чақирилиб, ихтирочилик ва рационализаторлик ишлари кенг муҳокама қилинди ҳамда заводда ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти ташкил этилди.

Шу йилнинг ўтган 10 ойи мобайнида 850 таклиф тушди ва улардан ҳозирдаёқ бир ярим миллион сўмдан ошиқ фойда олинди. Йил охирига қадар таклифларнинг сони мингдан, олинадиган фойда эса икки ярим миллион сўмдан ошиб кетиши мўлжалланмоқда. Ўтган йил завод бўйича рационализатор ва ихтирочиларнинг сони юзга етмаган бўлса, ҳозир булар 300 кишидан ортиқдир. Рационализаторлар орасида ихтисосли ишчилар кўпчиликни ташкил қилади. Булар рационализаторларнинг 60 процентини ташкил қиладилар.

Шу кунларда рационализатор ва ихтирочилар янги машиналарни ўзлаштиришда ва уларнинг конструкцияларини ихчамлаштириш соҳасида катта иш олиб бормоқдалар. И. Бакиров, Ю. Чекуров, Ниёзов, Назаров, Слашчанин ўртоқлар заводнинг энг яхши рационализатор ва ихтирочилари ҳисобланади. Иса Бакиров ихтисосли, кекса, тажрибали ишчилардан. Исо ака шу йилнинг ўзида 10 та таклиф киритди, булардан 7 таси ишлаб чиқаришга жорий этилди ва 50.000 сўм фойда олинди. Бакиров оригинал ихтироларни таклиф қилиб келмоқда.

Чекуров таклифи электрод чиқиндиларини деярли йўқотиб, пайвандчига йил бўйи 300-350 килограмм электродни ва 100-150 иш соатини тежаш ва электр энергия харажатини камайтириш имконини берди.

Техника контроль бўлимининг инспектори Ўртоқ Сафо Ниёзов НК-3-0 маркали куйтиваторнинг айрим деталлари конструкциясини ўзгартирди. Бу таклифнинг амалга оширилиши 57000 сўм фойда берди. Ўртоқ С. Ниёзов икки йил давомида 6 та таклиф берди. Булар ишлаб чиқаришга жорий қилиниб, 130000 сўм фойда кўрилди. Заводда ихтирочилик ва рационализаторликни активлаштириш учун цехларда комплекс-бригадалар тузила бошланди. Бундай бригада ҳозир инструментал цехда бор. Комплекс бригада 12 ихтисосли ишчи ва инженер-техник ходимларни ўз ичига олади. Комплекс бригаданинг афзаллиги шуки, бунда ихтирони коллектив ижод қилади, иш суръати тезлашади ва таклиф қисқа муддатда ишлаб чиқаришга жорий қилинади.

Заводда рационализатор ва ихтирочиларнинг унумли ишлашлари учун ҳамма шароит яратиб берилмоқда. Бу ерда махсус техника кутубхонаси ташкил қилинган. Кутубхона техникага, айниқса қишлоқ хўжалик машиналари технологиясига оид 150.000 китоб фондига эга. Бу ердан ташқари кутубхона 70 номдаги турли журнал, газеталарни олади. Инглиз, француз, немис тилларидаги чет эл техника журналлари ҳам бор. Техника кутубхонаси завод коллективи, айниқса актив ихтирочи-рационализаторларга катта хизмат кўрсатмоқда.

Бундан бир неча ой илгари қуюв цехида тайёрланган қуйилмаларда ёриқлар пайдо бўлиб, қуйилма сифатсиз чиқарди. Бу нуқсонни йўқотиш учун металлург Бараков, инженер технолог Метрифонов ўртоқлар техника кутубхонасига мурожаат қилдилар. Улар Хайровнинг — «Электроплавки в электропечах» ва Тринкснинг «Промишленний печ» деган китобларини ўқиб ва ўз тажрибаларига асосланиб, қуйилмадаги бу дефектнинг олдини олдилар.

Кутубхона «Техника янгиликлари» витринаси ташкил этиб, у орқали ўз ўқувчиларини олинган янги адабиётлар билан таништириб боради. Шу кунларда техника кутубхонаси «Ишлаб чиқаришни автоматлаштириш» темасида виставка тайёрламоқда.

Заводда энг яхши рационализаторлар ишига кўрик ўтказилмоқда, рационализаторлар ишини енгиллатиш учун уларга темник берилади. Уларнинг асосий диққат эътибори шу кунда ҳал қилиниши керак бўлган актуал масалаларга қаратилмоқда. Ҳар бир рационализатор фаолиятини ҳисобга олиш ва уни рағбатлантириш учун уларга шахсий ҳисоб дафтарчаси ташкил қилинди. Бунда шу-ихтирочининг таклифи ва бу таклиф қачон ишлаб чиқаришга жорий қилинган, ундан келган фойда учун олинган мукофот пуллари кўрсатиб борилади. Ихтирочилик ишини оммалаштириш, ихтирочиларни рағбатлантириш мақсадида жорий қилинган таклиф учун ажратилган мукофот пуллари цехларда кўпчиликнинг иштирокида топширилмоқда.

Корхонада рационализатор ва ихтирочиликка бағишлаб икки марта виставка уюштирилди. Тез кунда «Оғир меҳнат талаб қилувчи процессларни механизациялаштириш», «Янги техника ва технология», «Бизнинг заводда рационализация ишлари» каби темаларда янги виставка ташкил қилиш учун иш олиб борилмоқда.

Цехларда ҳар ой мунтазам мажлис ўтказилиб, таклифларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши ҳақида ахборот берилади. Булардан ташқари цехларда «Рационализаторлар тахтаси» ташкил қилиниб, бунда таклиф киритувчининг номи, таклифнинг қисқа тафсилоти, ундан олинадиган фойда ва авторга берилган мукофот ҳақида маълумот берилади.

Заводда «Техника ахборот бюроси» ташкил қилинган. Бу, коллектив орасида техника билимини пропаганда қилишда ва ихтирочи, рационализаторларнинг ишни яхшилашда ёрдам бериб келмоқда. Бюро Иттифоқимизнинг илғор заводлари билан яқиндан алоқа қилиб келади ва улардаги техника янгиликларидан завод коллективини хабардор қилади. Бюро шу кунларда заводдаги ихтироларни оммалаштириш учун актив ихтирочиларга аталган плакатларни тайёрламоқда. Бундан ташқари бюро заводнинг ихтисосли ишчиларини янги техника ва илғор технология, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш тажрибаларини таништириш учун бошқа илғор корхоналарга экскурсия ҳам ташкил қилмоқда. 1958 йилнинг биринчи ярмида шундай экскурсиялар 19 марта уюштирилиб, унда 154 ишчи ва инженер-техник ходим иштирок этди.

Республикамиздаги «Ташсельмаш», «Узбексельмаш», экскаватор заводларига ва Москва, Ленинград, Сталинград, Харьков, Горькийдаги йирик заводларга экскурсиялар уюштирилди. Ленин орденли пўлат эритувчи Эшматов, худди шу касб эгаси Рўзиматовлар Сталинграддаги трактор заводига бориб, унда қуймачиликдаги янгилик билан танишдилар ва тажрибаларини алмашиш натижасида пўлатни эритишда ўз заводларида янги методни қўллай бошладилар.

Бюро ҳузурида техника кабинети, кино-лектория ташкил қилинган. Ҳафтада икки марта техника янгиликлари ва илмий-техникага доир оммабоп кинофильмлар кўрсатилмоқда. Айрим кунларда кино бошланиши олдидан ихтирочилик, рационализаторлик масалалари ҳақида оммабоп кичик лекциялар уюштирилади.

«Чирчиқсельмаш» заводида ихтирочилик ва рационализаторлик ишида бирмунча ютуқларга эришилди, иш жонланди. Лекин коллектив бу билан қаноатланиб қолмаслиги керак. Завод раҳбарлари бу соҳадаги катор камчиликларни тугатишлари ва ишчилардаги битмас-туганмас ижодий ташаббусга янада кенг йўл очишлари лозим.

Заводда рационализаторлар ва ихтирочилар жамияти тузилган бўлсада, бу жамият ҳамон ўз ишини кенг кўламда бошлаб юборган эмас. Завод партия ташкилоти, маъмурият жамият ишига алоҳида эътибор қилиб, унинг ишини талабга жавоб берадиган ҳолга келтириши керак. Цехлардаги деворий газеталарда, айниқса кўп тиражли «Сельмашевец» газетаси саҳифаларида заводдаги ихтирочилик ва рационализаторлик ишининг аҳволи, айрим таклифларнинг тақдири ҳақида материаллар ёритилиши керак.

Тажрибада яхши натижа берган комплекс бригадани фақат бир цехдагина ташкил қилиб, шу билан қаноатланиб қолинди. Ҳолбуки, комплекс бригадаларни ҳал қилувчи цехларнинг барчасида ташкил қилиш лозим эди. Кўплаб тушаётган таклифларни тезроқ ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун заводда эксперименталь лабораториянинг вужудга келтириш керак. Эришилган ютуқларни ҳамда тажрибаларни ўртоқлашиш учун «бюллетень» чиқарилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Ф. ОРИПОВ.
Узбекистон ССР Фанлар академиясининг илмий ходими.

Рўй бераётган камчиликлар тезда тугатилиши керак

СССР Министрлар Советининг қарорига мувофиқ ўтказиладиган Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олиш куни яқинлашиб келмоқда. Областимизда рўйхатга олишни муваффақиятли ўтказиш учун тайёргарлик кўрилаётир.

Пойтахтимизнинг катта районларидан бири Октябрь районида ҳам тайёргарлик ишлари бошланди. Район чегараси аниқланиб картаси тузилди. Район 15 рўйхатга олиш бўлимига, 76 инспекторлик, 425 рўйхатга олиш участкасига бўлинди. Бўлим ва участкаларга раҳбарлар тайинланди. Улар қисқа муддатли курсларда рўйхатга олишнинг тартиб ва қоидаларини ўргандилар.

Статистика бошқармасининг район бўйича инспектори Ўртоқ Усмонова совет, касаба союз, комсомол ва бошқа ташкилотлардан ажратилган 86 ёрдамчи билан район территориясидаги кўча ва проезд-лларнинг номлари, тупик, уй номерларининг канчалик тўғри эканлигини текшириб чиқди. Текшириш натижасида Навоий, Арпапоя, Сарбон кўчаларининг номлари ёзилган тахтачалар қоқилмаганлиги, номи қўйилмаган кўча, проездларнинг борлиги, уй, тупик номерлари тартибга солинмаганлиги, кўш номерли ёки аксинча номерсиз уйлар, борлиги аниқланган эди.

Район ижроия комитетининг сессиясида текшириш натижаси муҳокама қилиниб, аниқланган камчиликларни тезда тугатиш, бир ой ичида район территориясидаги кўча, проезд-ларнинг номларини, уй, тупик номерларини тартибга солиш, кўча, проезд номлари ёзилган тахтачаларни кўринарли жойга қоқиб қўйиш каби ишларни ташкил этиш район коммунал хўжалик бўлимининг бошлиғи Ўртоқ Файзиевга топширилган эди. Лекин бу топширикнинг бажарилиши устидан контроллик ўрнатилмади. Шунинг учун ҳам топшириқ берилганига икки ойдан кўп вақт ўтган бўлишига қарамай, аниқланган камчиликлар ҳанузгача тугатилмаган.

Жарариқ массивидаги кўчаларнинг номлари ҳалигача тартибга солинмаган, уй номерларида ҳам тартибсизлик кўп. Литвинов маҳалласига қарашли бир кўча Рождественский, Маориф, Форобий, 4-Қўрғонча каби тўрт хил ном билан юритилади. Шу кўчанинг ярми Литвинов маҳалласига қарашли бўлиб, уй номерлари тартиб билан тарқатилиб, қоқиб қўйилган, кўчанинг ярми эса 11- домкомга қарашли бўлиб, уй номерлари тарқатилмаган. Баъзи эшикда эски номерлар алмаштирилмаган, баъзилари эса мутлақо номерсиз.

Худди шундай камчиликларни районнинг бошқа қисмида ҳам кўриш мумкин. Масалан, Чувалачи кўчанинг Анҳор, Пензенский, Калковуз, Кумлоқ проездларида номлари ёзилган биронта табличка учратмайсиз. Шунингдек, Бобожонов, Корасарой кўчаларининг проездлари тартибга солинмаган, номлари ёзиб қўйилмаган.

Бу аҳвол жойлардаги маҳалла комиссияларини, домкомларни, участка милицияларини ҳам ташвишлантирмаётир.

Яна шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилмаган. Аҳолининг кўпчилиги рўйхатга олишнинг вақти, тартиби, моҳиятини билмайди.

Юқорида кўрсатилган камчиликларни пойтахтимизнинг Куйбишев, Фрунзе, Киров районларида ҳам учратиш мумкин.

Аҳоли рўйхатини олишга тайёргарлик кўриш ишлари фақат район статистика бўлимининг инспекторларига ташлаб қўйилган.

Район ижроия комитетлари жойларда рўй бераётган камчиликларни тезда тугатиб, рўйхатга олиш комиссияларининг ишларини жонлантириб юборишлари керак.

З. АХТЯМОВА.

Даладаги барча ҳосилнинг сўнгги кўсагигача сира нобуд қилмай тезда йиғиб олайлик, келгуси йил мўл ҳосилига пухта замин тайёрлайлик!

☆ ☆ ☆ ☆

Қолган ҳосилни тез йиғиб олиб, 1959 йил мўл ҳосили учун пухта замин тайёрлаймиз

1. БИЗНИНГ ПЛАНЛАРИМИЗ

Ўзбек халқининг уч миллион тонна пахта учун олиб бораётган кураши охири ҳал қилувчи даврга кирди. Шу кунларда республикамиз колхозлари ва совхозлари далаларида йиғим-терим ишлари жадал суръатлар билан давом эттирилмоқда. Пахтакорларимиз ва механизаторлар олдида қолган ҳосилни ўз вақтида сира нобуд қилмасдан териб олиш билан бирга, келгуси йил мўл ҳосилига ҳам пухта замин тайёрлашдек муҳим вазифа турибди.

Маълумки, бу йилги об-ҳаво шароити ғўзанинг ривожланиши ва ҳосилнинг эрта пишиб етилишига салбий таъсир қилди. Давлатга пахта топшириш суръати айниқса бизнинг областимизда ўтган йиллардагига қараганда бирмунча суст бормоқда. Лекин далаларимизда ҳосил кўп, терим ишлари моҳирлик билан ташкил этилса, планнигина эмас, ҳатто пахтакорларнинг Бутуниттифоқ кенгашида, Кремлда олган мажбуриятимизни ҳам бажараоламиз.

Бизнинг колхозимизда йиғим-терим ишлари қандай ташкил қилинганлиги фактига мурожаат қилайлик. Ўтган йили колхозимизда давлатга ҳар гектар ердан 22 центнердан ҳосил топширилган эди. Бу йил биз 702 гектар ернинг ҳар гектаридан 23,1 центнердан ҳосил топширишимиз керак. Колхозимиз аъзолари ўз ички имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, об-ҳаво қийинчиликларини енгиб, планни тахминан 112 процентга етказиб бажариш, давлатга қўшимча равишда 200 тонна пахта сотишга қарор қилдилар. Бу, бизнинг ўзбек халқининг уч миллион тонна «оқ олтин» учун олиб бораётган курашига қўшган ҳиссамиз бўлади.

Биз бу планларни бажараоламизми? Албатта бажарамиз. 15 ноябрга қадар колхозда йиллик план 87 процент адо этилди. Учинчи, бешинчи, олтинчи, еттинчи бригадаларда эса йиллик план 100—110 процентданга етди. Уртача ҳар гектар ердан ҳозирга қадар 22 центнердан пахта йиғиб олдик. Далаларимизда эса тахминий ҳисоблаб чиқишларга қараганда яна камида 500 тонна ҳосил бордир.

Биз қолган ҳосилнинг бир граммини ҳам нобуд қилмасдан қисқа муддатда йиғиб олишни ўз олдимизга асосий вазифа қилиб қўйдик. Шу билан бирга келгуси йил мўл ҳосилига замин тайёрлаш ишларини ҳам эсдан чиқармаслигимиз керак. Йиғим-теримни кузги-қишки ишлар билан боғлаб олиб бориш учун барча ишчи кучлари, моддий-техника воситаларидан унумли фойдаланиш зарур. Шу мақсадда колхоз правлениеси активларнинг кенг иштирокида қуйидаги тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга ошираётир.

2. ЙИҒИМ-ТЕРИМ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Колхоз ва давлат манфаатларини тўла ҳисобга олиб, Ватанга кўплаб юқори сифатли пахта етказиб бериш учун биз шу кунларда барча тадбирларни тўла амалга оширмоқдамиз. Биз шу кунларда қабул пунктларига яхши сифатли ҳосил етказиб бериш, меҳнат харажатларини камайтириш, терим ишлари суръатини кучайтиришни асосий мақсад қилиб қўйганмиз.

Колхозимизда пахта териш ишлари қандай ташкил қилинганлигини кўриб ўтайлик. Тўртинчи, бешинчи ва саккизинчи бригадаларда 270 гектар ерда очилган пахталар, 130 гектар ерда эса ярим очилган кўсаклар териб олинаётир, 50 гектар ерда эса ҳосил батамом йиғиштириб олиниб, далалар тозаланди ва ғўзапояни корчовка қилишга киришилди. Шундай қилиб биз очилган пахталарни териб олиш билан бирга ҳали 652 гектар ердаги кўсакларни қисқа фурсатда териб олишимиз керак.

Қолган ҳосилни йиғиб-териб олишни қуйидаги тартибда ташкил қилишни планлаштирдик. Очилган пахталар териб олинганидан кейин ярим очилган ва қуруқ кўсакларни теришга тушамиз. Сўнгра қолган барча ҳосилни йиғиб-териб олиб, далаларни ғўзапоядан тозалаймиз.

Ярим очилган кўсакларни алоҳида-алоҳида териб олиш, кўсак чувиш машиналаридан мумкин қадар унумли фойдаланиш, шунингдек нобудгарчиликка йўл қўймаслик пахтани махсус майдончаларда узоқ вақт қуритиб ўтирмай уни пунктга топшириш имкониятини бераётир. Бундай пахталар кўпинча хирмонда ва махсус майдончаларда шамоллатиб қуритилганидан сўнг пунктга жўнатилади.

Тўртинчи, бешинчи, саккизинчи ва бошқа бригадаларнинг айрим участкаларидаги очилган пахталарни териб олиш ишини 18 ноябрдан кечиктирмасдан тугаллаймиз. Қолган бригадаларда эса кўсак териш ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда.

Ҳозирги пайтда бизда пахта теримида 670 киши қатнашмоқда. Яқин кунлар ичида меҳнатга яроқли кишиларни қўшимча равишда жалб этиш ҳисобига теримчилар сонини 700 кишига етказамиз. Бундан ташқари колхозда иккита кўсак териш машинаси ҳам бор. Бу машиналарни ишга тушириб, ҳосилни йиғиб-териб олишни 1 декабргача тугаллашни мўлжаллаб турибмиз.

Бизда иш ҳар тарафлама ўйланиб тузилган график асосида олиб борилади. Графикни бажариш ҳамма учун қонун. Бу, ишни мумкин қадар пухта ташкил этиш, йиғим-теримни тугаллаш ва далаларни кузги шудгорга тайёрлашга қаратилган тадбирларни бир-бирига боғлаб ўтказиш имкониятини беради.

Биз кундалик топширқни белгилаганда очилган пахтани теришда ҳар бир теримчига 20 — 30 килограмм, кўсак 80 — 90 килограмм, далаларни тозалаш пайтида эса 45—50 килограмм кўсак терилади, деб белгиладик. Умуман олганда ҳар бир теримчи қолган кунларда 2—2,5 тоннадан пахта териб бериши керак. Биз ишчи кучлари ва техникадан фойдаланишга қатъий амал қилган ҳолда иш юритсак, кунига камида йиллик планга нисбатан 1,5 — 1,6 процент пахта тайёрлаш имкониятига эга бўламиз.

150 — 170 гектар ердаги кўсакни машиналар ёрдамида териб олишни планлаштирганмиз. Бу машиналар шу кунларда ишга туширилди. Улар пахтаси машинада терилиб олиниб, барглари сунъий равишда тўкилган далаларда ишлатилмоқда. Бу далалардаги кўсаклар одатда тез очилади ва машина теримидан кейин қолган кўсаклар асосан қурук бўлади.

Шу кунларда белинчи бригаданинг 20 гектар ердаги кўсаги механизация ёрдамида териб олинмоқда. Қолган кунлари, очилган пахталарни териб олиш иши тугалланишига қараб, олтинчи, еттинчи, саккизинчи бригаларда яна юз гектар ердаги кўракни машинада териб олиш белгиланган.

Кўсак териш машиналаридан фойдаланиш гоят қулайдир. Қуйидаги фактлар шуни кўрсатиб турибди: иккита агрегат билан кунига 8-9 гектар ердан 6-8 тоннадан кўсак териш мумкин. Бу кўсак тозаланса, камида кунига 3 тоннадан пахта олинади. Бошқача қилиб айтганда иккита машина 60 — 80 теримчининг ишини бажаради, бу теримчилар далаларни ғўзапоядан тозалаш ва бошқа ишларни бажаришлари мумкин.

Биз ҳаво очиқ кунларда кўсаклари бир текис бўлган майдонларда кўсак териш машиналаридан фойдаланиш яхши натижалар беради, деб ҳисоблаймиз ва шунга амал қилган ҳолда иш юритамиз. Иш кунидан унумли фойдаланиш, далаларни тўғри танлай билиш, механизация воситасидан унумли фойдаланиш—кўсак теришни бирмунча кўпайтиради, ишлаб чиқариш харажатларини кескин камайтиради. Шунинг учун ҳам биз ҳозирги кунларда кўсак териш машиналаридан мумкин қадар унумли фойдаланиш учун курашмоқдамиз, механик хайдовчиларнинг яхши ишлаши учун барча шароитларни яратиб бердик.

Кўсак териш машиналаридан унумли фойдаланиш бизга 19 ноябрдан бошлаб кишиларнинг бир қисмини давлатга пахта топшириш суръатини заррача бўлса ҳам бўшаштирмасдан далаларни ғўзапоялардан тозалаб олиш ишига жалб этиш имкониятини беради.

3. НОБУДГАРЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШ ВА ДАЛАЛАРНИ ҒЎЗАПОЯДАН ТОЗАЛАШ

Нобудгарчиликка қарши кураш муҳим аҳамиятга эга. Тўкилган, чаноқларда қолдириб кетилган пахталардан тонналар ҳосил бўлишини сира унутмаслик керак. Далаларга мол тушириб ҳосилни пайхон қилишга йўл қўйиш ҳам катта зарар етказади. Колхоз правлениеси нобудгарчиликка йўл қўймаслик учун қатор тадбирларни белгилаб чиқди. Ҳар бир бригадада тўкилган, хирмон атрофидаги, йўллардаги, дала этакларидаги қолдириб кетилган пахталарни териб олиш учун иккитадан киши ажратилган. Ҳар икки далачилик участкасига биттадан отлиқ биркитиб қўйилган. У ғўзаларни моллар пайхон қилиб юбормаслигини контроль қилиб боради. Шунингдек колхоз агрономлари, полеводлар, бригада бошлиқлари ҳам нобудгарчиликка йўл қўйилмаслигини узлуксиз контроль қилиб борадилар, пахтанинг сифати бузилмаслиги учун курашадилар. Бундан ташқари колхоз правлениеси тажрибали, ҳозирги пайтда қариб қолганлиги учун ишламаётган кекса колхозчилардан иборат махсус группа ташкил қилишга қарор қилди. Улар теримнинг сифати, нобудгарчиликка йўл қўйилмаслиги устидан қўшимча контроллик қилиб борадилар.

Бу тадбирлар самарали натижалар бермоқда.

Нобудгарчилик кескин камайди. Лекин шунга иқрор бўлиш керакки, қатор бригадаларда хали ҳам нобудгарчиликка йўл қўйилмоқда. Чунки бу бригадаларда контроллик кучайтирилмаган, терим эътиборсизлик билан ўтказилганлиги учун чаноқларда ва қатор ораларида пахта қолиб кетган, тўкилган пахталар кўп, бу пахталарни териб олиш иши қоникарсиз ташкил қилинган. Биз далаларни ғўзапоядан тозалаш давридa ана шу қолиб кетган пахталарнинг ҳам сира қолдирмай териб олинишига алоҳида аҳамият берамиз.

Далаларни ғўзапоядан тозалашга 19 ноябрдан бошлаб киришамиз. Бунинг учун биринчи кунлари юз кишидан иборат группа ажратилади. Булар бир бригадага марказлашган ҳолда иш олиб борадилар. Сўнгра кишиларнинг сонини кўпайтира бориб 200 га етказамиз. Бу йиғиластиришрилган бригадалар далаларни тозалашни конвейер усулида олиб борадилар. Буларнинг вазифаси — теримчиларнинг орқасидан юриб, далаларни очилмаган кўсаклардан бутунлай тозалаш ва ерга тўкилган, чаноқларда қолдириб кетилган пахталарни териб олишдан иборатдир. Колхоз правлениеси ишнинг сифатли бажарилишини кўзда тутиб, далаларни тозалаётганларга нормани килограмм ҳисобида эмас, балки 30 — 40 сотих ерни тозалаш керак деб белгилади. Бу бригадалар далаларни тозалаб кетганидан сўнг уларнинг орқасидан ғўзапоя корчовка қилинади ва ҳайдов тракторлари ишга тушириб юборилади. Бригада бошлиқлари ва агрономлар далаларни тозалаш ишининг сифати устидан контроллик қилиб борадилар. Агроном ҳар куни шахсан контроллик қилиб, бажарилган ишни ўзи қабул қилиб олиши, даланинг шудгор қилишга тайёрлиги тўғрисида актлар тузиши лозим.

4. КУЗГИ-ҚИШКИ ТАДБИРЛАР

Далаларни тозалаш учун ажратилган юз кишидан иборат группа кунига камида 25 гектар ернинг ҳосилини батамом йиғиб олади. Бу бешта ғўза корчевалкаси ва учта ДТ — 54 ҳайдов тракторининг тўла ишлашига имконият беради. Колхоз тўққизинчи ноябрдаёқ биринчи ва иккинчи бригадаларнинг пахтаси машинада териб олинган, кўрак териш машинаси ишлатилган майдонлардаги 50 гектарлик участкада ғўзаларни корчовка қилишга киришган эди.

Катта майдонлардаги ғўзапояларни корчовка қилишни 21 ноябрдан кечикмасдан бошлаймиз. Ҳайдов тракторларига ўғитлагичлар ўрнатилиб, корчовка вақтида ҳар гектар ерга 150 — 200 килограмм ҳисобидан суперфосфат ҳам солиб кетилади.

Ҳозир колхозимиз механизаторлари техникани ремонт қилиш ишини тугаллаш арафасида турибдилар. 13 универсалдан 11 таси тайёр, учта ҳайдов трактори ҳам ремонтдан чиқарилган. Иккита ғўзапоя юладиган машина тракторларга ўрнатилиб ишлатилмоқда, қолган учта шунақа машинани ҳам тракторга ўрнатиб, ишга тушириб юборамиз. Қолган иккита универсални тайёрлаш иши ҳам тугалланай деб турибди.

Ғўзапояни корчовка қилиш иши тугаллангандан сўнг дарҳол шудгорлашни бошлаб юборамиз. Графикка биноан шудгорлаш иши чигит экиш учун ажратилган ҳамма ерларда 13 декабрдан кечикмасдан амалга оширилиши керак. Ерни ҳайдаш вақтида ишнинг сифатига алоҳида аҳамият берамиз. Ўтган йиллар тажрибаси шуни кўрсатдики, баъзи бир механизаторлар сон орқасидан қувиб, ишда палапартишликка йўл қўйганлар, дала бурчаклари, этакларини ҳайдамасдан қолдириб кетганлар. Бу, далаларни сўнгги тайёрлаш вақтида кўплаб қўшимча харажатлар қилишга олиб келди ва баҳорги дала ишларининг баъзан кечикишига сабаб бўлди.

Ҳозир техниканинг хўжайини колхознинг ўзи бўлган бир пайтда биз тракторчилар ва бригадирларга нисбатан талабчанликни кучайтирамиз, шудгорлашда барча агротехника қоидаларига қатъий амал қилинишини кузатиб борамиз.

* * *

Терим ишларини, кузги-қишки тадбирларни муваффақиятли амалга ошириш кўп жиҳатдан оммавий-сиёсий ишларнинг ташкил этилишига ҳам боғлиқдир. Шу кунларда меҳнат кўтаринкилигини сира ҳам бўшаштирмаслик талаб қилинади. Коммунистлар ва комсомоллар ҳозир ҳам мўл ҳосил учун курашда авангардлик ролини ўйнашлари, барча колхозчиларга намуна кўрсатиб меҳнат қилишлари лозим.

Партия ташкилоти барча коммунистлар, улар қандай вазифани бажаришларидан қатъий назар йиғим-терим ишларини тўла тугаллашда бевосита қатнашишлари керак, деб қарор қилди.

КПССнинг XXI съезди яқинлашиб келмоқда. Матбуотда эълон қилинган, умумхалқ муҳокамасига қўйилган съездолди материаллари—мамлакатимизнинг яқин етти йил ичидаги ривожланиш йўлининг перспектив планидир. Партия ташкилоти ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг доклади тезисларини колхозчиларга кенг тушунтиради.

Пахтакорларнинг моддий ва маданий турмушидан хабар олиб, гамхўрлик қилиш—муҳим вазифадир. Колхоз правлениеси далада ишлаётганларга барча қулай шароитларни яратиб бериш учун зарур чораларни кўради, шийпонларни печьлар қўйиб иситиш, уларни ёқилғи билан таъминлаш, иссиқ овқат ташкил қилишни ўзининг жонажон иши деб билади. Ёрдамчиларга гамхўрлик қилиб туриш — муҳим бурчимиздир.

Биз илгаригидек ҳозир ҳам илғорларни рағбатлантириб туришни давом эттирамиз, илғор бригадаларга кўчма Қизил байроқ топширилади, илғор теримчилар эса қимматбаҳо буюмлар билан мукофотланади.

Бу йил мамлакатимиз ҳаётида алоҳида катта воқеа бўлиб ўтади. Совет халқлари Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXI съездини меҳнат ва сиёсий кўтаринкилик руҳи ошган бир шароитда кутиб оладилар. Бу съезд коммунистик жамиятнинг кенг қурилиш программасини белгилаб беради. Биз съезд шарафига социалистик мусобақани янада кучайтириб, йиғим-терим ишларини ўз вақтида муваффақиятли тугаллаймиз ва келгуси йил мўл ҳосили учун пухта замин ҳозирлаймиз.

С. РАҲМОНОВ — Оққўрғон районидаги Куйбишев номли колхознинг раиси,
Д. САИДОВ — партия ташкилотининг секретари,
В. ИСРОИЛОВ — агроном,
Х. ЭЛМУРОДОВ — полевод,
Х. КОЛОДЯЖНИЙ — колхоз раисининг механизация ишлари бўйича ўринбосари.

Қани ваъдаларга вафоларингиз

Пискент районидаги Ворошилов номли колхоз раиси Назиркул Толипов ҳам, бошланғич партия ташкилотининг секретари Абдинаби Абдимўминов ҳам ваъда беришга жуда уста.

Масалан, улар аввал баҳорда 900 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан албатта 29 центнердан пахта берамиз деб катта кетишган эдилар. Ундан кейин бутун ёз бўйи райкомнинг бюро мажлисларида, район ижроия комитетида ўтказилган йиғилишларда ҳамиша «бу йил қойил қиламиз, планни ошириб бажарамиз» деб ҳаммани ишонтириб келдилар ва кўкрак кериб юрдилар. Баҳор ҳам, ёз ҳам ўтди, пахта йиғим-теримига етиб келиндi. Аммо Ворошилов номли колхоз раҳбарлари ҳамон ваъда беришдан нарига ўтмаётирлар.

Толипов билан Абдимўминов ўртоқлар ваъда қилишди-ю, аммо сентябрь ойида пахта терими қизитиб юборилмади. Бир кунда терилган пахта 0,6 процентдан, сентябрь ойида терилган ҳамма пахта 9,8 процентдан ошмади. Уларга бу ҳақда савол берсангиз, «ишни октябрь ойида қотирамиз, сентябрнинг ҳиссасини ҳам октябрда чиқарамиз» деб кўпчиликни ишонтиришди.

Лекин октябрь ойида ҳам ваъдалар ваъдалигича қолаверди, колхозда иш юришмади. Райондаги колхозлар орасида 13-ўринда келаётган бу колхоз 16-ўринга тушиб қолди. Ишқилиб бундан ҳам пастроққа қурилиб қолишмасинда...

Ворошилов номли колхозда нима учун бундай аҳвол юз бераётир? Ёки колхозда пахта камми? Бундай деб бўлмайди. Чунки, ҳозир колхозда шаҳардан ёрдамга келган 400 киши тупа-тузук пахта тераяпти. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ботаника институтидан келган 34 кишининг ҳар бири ўрта ҳисобда 55-60 килограммдан пахта териб, колхозчиларни қойил қолдиришмоқда. Бошқа ёрдамчилар ҳам шу каби пахта териб колхозга асотойдил ёрдам бераётирлар.

Бироқ колхоз раҳбарлари ёрдамчилар бор деб колхозчилар ўртасида меҳнат интизомини бўшаштириб юборганлар. Улар ҳамма колхозчиларни пахта йиғим-теримига тўла сафарбар этмаганлар. Теримга қатнашаётган колхозчиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун курашмаётирлар.

Масалан, колхоздаги 660 кишидан фақат 500 киши теримга қатнашмоқда. Уларнинг меҳнат унуми шаҳардан келган ёрдамчиларникидан ҳам паст. Пахта тайёрлаш планини энди 47 процент бажарган А. Ризаев бошлиқ бригадада 40 теримчидан 10 киши кундалик топшириқнинг ақалли ярмини ҳам бажармаяпти. Э. Соатов бошлиқ бригадада 30 кишидан 5 киши теримга қатнашмаётир. Бу бригадада теримга қатнашаётган колхозчиларнинг терган пахтаси 33-38 килограммданга зўрга тўғри келади.

Колхоздаги коммунистлар ва комсомоллар бошқаларга теримда авангард бўлолмаётирлар. Колхоз партия ташкилоти ҳисобида 28 коммунист бор. Шундан 18 киши теримда деб кўрсатилган. Лекин бу коммунистларнинг бирортаси ҳам кунлик топшириқни бажармайди. Жумладан, коммунистлардан Усмон Мадиёров, Аликул Эгамбердиев ўртоқлар кунига бор-йўғи 15-20 килограммдан пахта тераётирлар. Ҳалигача айрим колхоз активлари ўз оила аъзоларини пахта теримига чиқармаганлар. Бу, колхозчилар ўртасида интизомнинг бўшашиб кетишига сабаб бўлаётир. Жумладан 3-бригада бошлиғи А. Қорабоев, 6-бригада бошлиғи Х. Мамажоновларнинг оила аъзолари шу пайтгача дала бетини кўришмаган. Колхоз омборчиси Абдураҳмон Ҳакимовнинг ўзи теримга қатнашмагани устига, қизига ҳам «ишга чиқма» деб тайинлаб қўйган. Бунисига нима дейсиз?!

Бундай аҳвол колхознинг бошқа бригадаларида ҳам бор. Шунга қарамай колхоз раиси Толипов, партия ташкилотининг секретари Абдумўминов ўртоқлар нуқул ваъда берадилар-у, колхозда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, тўрим суръатини ошириш чораларини кўрмайдилар.

Афтидан улар нуқул ваъда билан план тўлдирмоқчига ўхшайдилар.

Н. БЕКНАЗАРОВ.

Ўтар фурсат ваъдалардан дарак йўқ,
Раҳбарларнинг ваъда билан қўнгли тўқ,
Ишлар бўлди ўлда-жўлда колхозда,
Толиповнинг план билан иши йўқ.

М. Воробейчиков чизган расм.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1958 ЙИЛ 17 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Мавсум бошидан бери	Бир кунлик ўсиш
Бўстонлиқ	77,90	0,35
Қуйи Чирчиқ	76,35	0,60
Боёвут	74,95	0,66
Пискент	73,87	0,57
Бўка	71,42	0,73
Бекобод	70,48	0,52
Оққўрғон	67,99	0,66
Верхне-волинск	67,35	0,50
Мирзачўл	66,66	0,82
Юқори Чирчиқ	66,04	0,81
Урта Чирчиқ	65,70	0,82
Гулистон	65,31	0,52
Октябрь	62,85	0,71
Чиноз	62,75	0,54
Уртасарой	62,42	0,68
Сирдарё	61,18	0,69
Оржоникидзе	59,61	0,68
Янгийўл	55,46	0,88
Оҳангарон	40,60	0,91
Калинин	35,58	0,36

ОБЛАСТЬ СОВХОЗЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1958 ЙИЛ 17 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Совхозлар	Мавсум бошидан бери	Бир кунлик ўсиш
6-«Кўкорол»	113,95	0,45
«Вревский»	111,66	—
«Пискент»	78,52	0,62
«Социализм»	78,09	0,51
3-«Боёвут»	75,03	0,41
«Мирзачўл»	74,71	0,58
1-«Далварзин»	74,23	0,68
Киров номли	71,32	1,25
1-«Боёвут»	71,23	0,75
2-«Далварзин»	70,95	0,57
«Оққўрғон»	70,40	0,83
1-«Фарҳод»	67,32	0,11
«Чаноқ»	65,52	0,26
«4-«Боёвут»	64,28	0,78
«Гулистон»	65,19	0,44
«ЎзССР беш йиллиги»	64,49	0,45
«Дружба»	61,30	0,42
«Малик»	50,61	0,30
Тошкент наслчилик совхози	47,64	0,78
1-«Оҳангарон»	47,33	1,67
Бушуев номли	45,40	0,27
2-«Оҳангарон»	34,00	0,71

Кўрак териш машиналари ишга киришди

Областда кўсакни механизация усулида теришга киришилди. Оғир меҳнат талаб қиладиган бу ишни бажариш учун кўсак терадиган 760 та машина тайёрланди, булар бидан 30 минг теримчининг иши бажарилади. Бу машиналарнинг ҳар бири бир кунда 4-5 гектар ердаги кўсакни теради.

Ҳозирнинг ўзидаёқ кўплаб кўрак чувиш машиналари ишга туширилди. Янгийўл, Оржоникидзе ва бошқа бир қатор районларда кўсак чувишда далачилик электр агрегатларидан кенг фойдаланилмоқда. Бу, кўсакни чувишда сарфланадиган меҳнат харажатини кескин камайтираётир. (ЎзТАГ).

Пахта пунктидаги қаллоблар

Пахта эл бойлиги, уни кўз қорачиғидай сақлаш, бир граммини ҳам нобуд қилмасдан давлатга топшириш керак. Ҳозир колхозчилар, шаҳарликлар, тани-жони соғ бўлган ҳар бир киши далага чиқиб, етиштирилган мўл ҳосилни тезроқ йиғиб-териб, давлат омборларига топшириш учун ғайрат билан меҳнат қилмоқда, 3 миллион тоннага ҳисса қўшиш учун курашмоқда.

Бироқ ўз шахсий манфаатини кўзлаб, колхозга ҳам, давлатга ҳам хиёнат қилувчи шахслар ҳам йўқ эмас. Ўртасарой районидаги Қорасув пахта тайёрлаш пунктининг товароведи Саттор Содиқов шундай кишилар жумласидандир. У 1956 йилда пунктда ишлаб, Будённий номли колхозидаги «томорқа»сидан олган 800 килограмм шоли эвазига тарозидан уриб қолган 3 тоннача пахтани колхоз ҳисобига ўтказиб берган эди.

Саттор Содиқов бироз вақт ўтгач, кимларнинг ёрдами биландир, аввалги вазифасига жойлашиб олгач, яна эски одатини давом эттираверди. Колхозлардан келтирилган пахтани оз-оздан уриб қолиб, уни енг ичида бошқаларга ўтказди ва бунинг эвазига пул олди. Буни қуйидаги факт тўла тасдиқлайди.

26 октябрда Сталин номли колхоздан пунктга 36 тонна-ю 126 килограмм пахта келтирилди. Содиқов ниманинг эвазигадир «42 тонна 686 килограмм пахта қабул қилинди» деб оператив сводкага киритди. У бошқа колхоздан уриб қолган 2 тонна 68 килограмм пахтани Ўрта Чирчиқ районидаги Сталин номли колхоз ҳисобига ўтказиб қўяқолган эди-да! Содиқовнинг таъбирича, бу пахта пунктга адашиб келган эмиш. Содиқов Сталин номли колхознинг 8, 12, 16- бригадаларидан келтирилган 2800 килограмм пахтани бухгалтерия ҳисобига ўтказмай, қаллоблик қилганини айтсак, у ашаддий жиноятчи экани янада равшан бўлади.

Товаровед Содиқовнинг ўғирлигидан пункт мудири А. Чимирисов, бош бухгалтер Штейнлар хабарсизми? Улар хабардор, балки шерик ҳамдир. Бўлмаса бухгалтер А. Асанова Чимирисов: «Сталин номли колхоз кечқурун яна пахта келтиради, ўша ҳисобдан оператив сводкага 7 тонна пахта қўпайтириб қўйилсин» дермиди. Бу имо-ишорага тушунган Асанов ҳам мудирнинг топшириғини жони-дили билан бажарди.

Пунктдаги қаллоблар совхоз, колхозлардан келтирилган пахтанинг намлигини орттириб кўрсатиш йўли билан ҳам пахта «чегириб» қолмоқдалар. Лаборатория мудири Логошина келтирилган пахталарнинг намлигини қастдан ошириб кўрсатади. Шундай пахталар давлат инспекцияси лабораториясида қайта текшириб кўрилганда, намлиги 16,1 эмас, ҳақиқатда 13 процент экани аниқланди.

Товаровед Содиқов ҳозир янги ҳунар чиқарибди. У, пахтанинг сортини пасайтириб қабул қилишга уринмоқда. Сталин номли колхоздан 12 тонна пахтани тўртинчи сортга қабул қиламан, деб туриб олди. Содиқов томонидан қайтарилган пахта Қумовул пунктида учинчи сортга қабул қилинди.

Пункт ходимларининг иши устидан қаттиқ контроль ўрнатилмай, ўз ҳолига ташлаб қўйилгани сабабли шу хилдаги ҳаракатлар содир бўлмоқда.

Пунктдаги қаллоблар қилмишларига яраша жавобгарликка тортилишлари керак.

Ш. КУЗАНБОЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

Механик-ҳайдовчилар ҳиссаси

«Малик» совхозининг ўртоқ Отабой Қозоқов бошлиқ бўлимида пахта йиғим-терими қизғин бормоқда. Бу ерда етиштирилган ҳосил асосан машина ёрдами билан териб олинаётир. Бўлимнинг ўртоқ Каттабеков бошлиқ бригаласида иш қизғин.

Механик-хайдовчи Тожибой Жумаевнинг ўз агрегатидан унумли фойдаланиб, кундан-кунга кўп пахта тераётганлиги тўғрисида қувонч билан сўзлайдилар. У кунига хирмонга 1,5—2 тонна пахта тўкмоқда.

Ўртоқ М. Шабанов ҳам илғор механизаторлардан ҳисобланади. У мавсумда камида 70 тонна пахта териш мажбуриятини олган эди. Шабанов ҳозирга қадар 50 тоннадан ошиқ пахта терди. Кучиев, Жумабоев сингари механизаторлар ҳам Шабановдан қолишмасликка ҳаракат қилмоқдалар.

Э. Раҳмонов,
И. Мамедов,
А. Ҳайдаров,
Ш. Давлатов,
А. Кўчаров.

* * *

Газетхонлардан Х. Акбаров, М. Олимов ўртоқларнинг ёзишига қараганда Сирдарё районидаги «Ёш ленинчи» колхозининг М. Эркабоев, Охунбобоев номли колхознинг коммунист О. Йўлдошев бошлиқ бригадаларида ҳам дала ишлари намунали уюштирилган.

Илғорлар ғайрати

Бекобод районидаги «Гулистон» колхозининг ўртоқ Шарофат Умарова раҳбарлик қилаётган бригадасида меҳнат тўғри ташкил қилингани туфайли етиштирилган мўл ҳосил жадал суръатлар билан йиғиб-териб олинмоқда. Теримчиларнинг байрамолди мусобақаси яхши натижа берди. Бригада колхозда биринчи бўлиб йиллик пахта тайёрлаш планини бажарди. Ҳозир бутун куч далада қолган ҳосилни сира нобуд қилмай йиғиб-териб олишга сафарбар этилган.

Мичурин номли колхозда ҳам кўп минг килограммчилар сони тобора кўпаймоқда.

Ленин номли колхоз правлениеси илғор теримчиларнинг меҳнатини тақдирлаш мақсадида мукофот ажратди. 9 тоннадан ошириб пахта терган донгдор теримчи Ўлмасхон Эрматова тикув машинаси. Раҳима Аҳмедова қиммат баҳо кийимлик билан тақдирланди.

Улар жонажон партиямизнинг XXI съездини муносиб кутиб олиш учун курашаётирлар.

Э. ХАТАМОВ, А. САТТОРОВ,
А. РАЖАБОВ, Б. САФАРОВ,
М. АҲМЕДОВ, Т. АБДУРАИМОВ.

Областимизнинг энг ёш шаҳри — Янгиерда мактаб-интернат биноси яқинда битказилиб, фойдаланишга топширилди. Ҳозир бу ерда дарс машғулотлари ўтказилмоқда. Суратда: ўқувчилар янги мактаб-интернат биноси олдида.

В. Салов фотоси.

Обуна уюшқоқлик билан ўтмоқда

Мирзачўл. Районнинг совхоз ва колхозларида обуначилар сони тобора кўпаймоқда. «Мирзачўл» совхозида ҳар куни 20-30 лаб ишчи газета ва журналга ёзилмоқда. 100 дан ортиқ ишчи ва хизматчи республика, область ва район газеталарига ёзилдилар. Совхоздаги алоқа бўлими шу кунгача аҳолидан 400 нусхага яқин газета ва 60 нусхадан ортиқ журналга обуна қабул қилди.

Райондаги Сталин номли, «Октябрь», «Коммуна» колхозларининг аъзолари ўртасида ҳам газета ва журналларга обуна қабул қилиш яхши бормоқда. Агитаторлар ҳар бир хонадоннинг газета ва журнал билан таъминланиши учун кенг тушунтириш ишлари олиб бормоқдалар.

Қ. Аҳмеров.

* * *

Қуйи Чирчиқ. Райондаги илғор Димитров номли колхозда газета ва журналларга янги йил учун обуна бўлиш қисқа вақтда муваффақиятли тамомланди. 300 дан ортиқ хонадон 4-5 тадан газета ва журналга ёзилишди. Колхоз активлари, агроном ва зоотехникларнинг ҳар бири Корея Демократик Халқ Республикасида чиқадиган газета ва журналларга ҳам қўшимча равишда ёзилдилар.

Чапаев номли мактаб коллективи ўртасида ҳам газета ва журналлар кенг тарқалди. Ўтган йили мактабда 1400 сўмлик обуна қабул қилинган бўлса, 1959 йил учун эса 2000 сўмлик газета ва журналга ёзилдилар.

Ҳ. Қуримбоев.

* * *

Бекобод. Фарҳод ГЭС коллективи газета ва журналларни ўқишни яхши кўрадилар. Ишчилар ҳар йили 200-250 сўмлик газета ва журналга ёзилар эди. Бу йил уларнинг сони анча кўпайди. Ўнлаб ишчи 300-400 сўмлик газетага обуна бўлди.

Х. Султонов.

Яна 34 силикатчи инженер

Ўрта Осиё политехника институти химия-технология факультетининг давлат имтиҳоҳ комиссияси 34 студентга силикатлар технологияси бўйича инженер дипломини берди. Кўпчилик студентларнинг диплом проектларида эксперименталь ишларга катта эътибор берилган эди.

Студент Р. Шайхзода 4 ва 5-курсларда ўқиб юрган даврида Оҳангаронда топилган лойнинг таркибини текшириб, ундан чиқмли ғишт тайёрлаш мумкинлигини аниқлади.

Студентнинг эксперименталь иши лаборатория синовидан муваффақиятли ўтди ва аъло баҳоланди.

Аълочи студент Ш. Раҳимбоев эса цемент қоришмасини тайёрлашга оид муҳим масалани ҳал қилиб берди.

А. Исмоилов, Ц. Кунина, Г. Вдовина, Н. Ернасёрова, И. Айрапетова, А. Котельникова сингари студентлар диплом проектларида силикатлар кафедрасида биринчи марта бўлиб актуал темаларни ишлаб чиқдилар.

Ю. УЛЬЯНОВ.

Совхоз марказида водопровод

ОҚҚЎРҒОН. (**«Тошкент ҳақиқати» махсус мухбиридан**). «Оққўрғон» совхозининг марказида водопровод қурила бошланди. Траншеялар қазилиб, трубалар ётқизилди ва колонкалар ўтқазилмоқда. Яқин кунларда водопровод фойдаланишга топширилади. Совхоз ишчи-хизматчилари артезиан қудуғи суви билан муттасил таъминланадилар.

Чет мамлакатлар соғлиқни сақлаш ташкилотчиларининг семинари

Тошкентда 11 ноябрдан 14 ноябргача чет мамлакатлар соғлиқни сақлаш ташкилотчиларининг кўчма семинари ўз ишини ўтказди.

Меҳмонлар Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министри Р. С. Соатов билан, унинг ўринбосарлари, министрлик бошқармаларининг бошлиқлари билан, республиканинг таниғлик медик олимлари билан учрашдилар. Чет эллик мутахассисларнинг илтимоси билан Р. С. Соатов министрликнинг тузилиши ва республиканинг шаҳар ва қишлоқларида соғлиқни сақлаш ишларининг аҳволи ҳақида, совет ҳокимияти йиллари ичида даволаш-профилактика муассасалари шохобчаларини ривожлантириш тўғрисида, Ўзбекистонда медицина кадрлари тайёрлаш соҳасидаги ишлар ва медицина соҳасидаги илмий текшириш ишлари тўғрисида меҳмонларга батафсил гапириб берди.

Бу йил республика соғлиқни сақлаш бюджети, деди министр, 1913 йилдаги 562,4 минг сўм ўрнига 1 миллиард 250 миллион сўмни ташкил этади, аҳоли жон бошига қилинадиган харажатлар эса революциядан олдинги даврга нисбатан минг мартадан ҳам зиёдроқ кўпайди. Республикада тўрт мингтага яқин медицина ва болалар муассасалари, 50 тадан ортиқ санатория ва дам олиш уйлари бор. Касалхоналардаги ўринларнинг умумий миқдори Совет ҳокимияти йиллари ичида қарийб 45 марта кўпайди, врачлик — касалхона муассасаларигагина ҳозирги вақтда 43 мингтадан ортиқ ўрин бор. Врачларнинг сони йил сайин кўпаймоқда. Ўзбекистонда медицина ходимлари тайёрлаш билан бешта олий ўқув юрти ва 14 та махсус билим юртлари шуғулланмоқда. Ўнта илмий-текшириш институтлари профилактика ва даволашнинг энг янги методларини ишлаб чиқиш билан шуғулланмоқда.

Семинар қатнашчилари Тошкент тўқимачилик комбинатига бориб, бу ерда мазкур корхонанинг жуда кўп медицина муассасалари билан таништилар. Комбинатнинг медицина-санитария қисми етмиш битта кабинети ва 400 ўринли стационарлари бўлган терапевтика, акушерлик-гинекология болалар ҳамда хирургия бўлимлари бўлган поликлиника она ва болаликни муҳофаза қилиш юзасидан социал-ҳуқуқ кабинетини бирлаштиради. Корхонанинг ҳар 22 ишчи ва хизматчисига битта медицина ходими, 140 кишига эса битта врач тўғри келади. Цехларда профилактика пунктларининг умумий сони 1958 йилда 1 минг 200 ни ташкил этган. Тўқимачиларга медицина хизмати кўрсатиш учун ҳар йили ўн миллион сўмга яқин маблағ сарфланади.

— Мен бу ерда, деди доктор Эрб (Таиланд), қишларнинг саломатлиги тўғрисида чинакам ғамхўрлик қилинаётганлигини кўрдим. Ўзбекистон тўқимачиларига медицина хизмати кўрсатиш жуда яхши ташкил этилган.

Семинар қатнашчилари Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг туғруқхонаси, болалар яслиси, дам олиш уйи ва мактаб-интернатида бўлдилар. Улар пахтакорларнинг уйларида бўлиб, кишлоқ меҳнаткашларининг меҳнат ва турмуш шароитлари билан танишдилар. Колхоз раиси А. Матқобулов чет эллик медикларга колхозда олиб борилаётган катта маданий-маиший қурилиш тўғрисида гапириб берди.

Чет мамлакатларнинг соғлиқни сақлаш ташкилотчилари Тошкент область санэпидстанциясига, Крупская номидаги болалар санаториясига, Тошкентдаги 1- туғруқхонага, Семашко номидаги Ўзбекистон давлат курортология ва физиотерапия илмий-текшириш институтига ҳам бордилар.

Семинар охирида семинар қатнашчиларининг мунозараси бўлди. Жунгалвалла (Ҳиндистон), П. Пироски (Аргентина), Ейселен (Жанубий Африка Иттифоқи) ўз сўзларида республикада самимий кутиб олинганликлари учун Ўзбекистон медицина ходимларига ташаккур билдирилар. Улар семинар қатнашчиларининг умумий фикрини ифодалаб, Ўзбекистонда халқ соғлигини сақлаш соҳасида эришилган катта ютуқларни таъкидладилар ва медицина эришган муваффақиятлардан шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг кенг табақалари фойдаланаётганлиги фактини айниқса ўқтириб кўрсатдилар.

(ЎзТАГ).

Пенсионерлар пахта теримида

Чирчиқ шаҳар пенсионерлар совети ташаббуси билан пенсионерлар бригадаси тузилди. Бу бригада Оржоникидзе районидаги Хрушчев номли колхозда пахта йиғим-теримида актив қатнашаётир.

Ватанпарвар кексалардан тузилган бу бригадала революция ва меҳнат ветеранлари, шахсий пенсионерлар бор. Пахта йиғим-теримида ҳамаси бўлиб 45 пенсионер қатнашмоқда.

Кўнгилли равишда пахта теримига чиқиб, 3 миллион тоннага ўз ҳиссасини қўшиш истагини билдираётган кексалар сони тобора ортмоқда.

Т. СИХАРУЛИДЗЕ.

Оммавий лекциялар

Тошкент давлат медицина институти КПСС тарихи кафедраси ўқитувчилари Сирдарё районидаги колхоз, совхоз ва корхоналарда оммавий лекциялар ўқишни намунали олиб бормоқдалар.

Яқинда кафедра доценти О. Қодиров райондаги «Коммунизм», «Ленинизм» ва бошқа кўпгина колхозларда 10 дан ортиқ лекция ўқиди. Шунингдек, кафедра ўқитувчиси М. Фахруддинов томонидан кўпгина колхоз ва бошқа жамоат ташкилотларида ўқилган «КПСС XXI съезди олдидан», «Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг X пленуми» темаларидаги, врач И. Фозиловнинг «Рак касалининг келиб чиқиши», «Алкоголизм ва унинг зарари» каби медицина темаларидаги лекциялари қизиқарли ўтди.

Шу кунгача бу мутахассислар томонидан турли жойларда ўқилган лекцияларга 3 мингдан ортиқ киши қатнашди.

З. РАҲМОНОВ.

ҲАР ТЎҒРИДА

Тутундан ўғит

Заводларнинг трубаларидан жуда кўп миқдорда тутун ҳавога чиқиб ётади. Олимлар ана шу тутунлар таркибидаги айрим газлардан халқ хўжалигида фойдаланиш мумкинлигини исботладилар. Венгриядаги Веспремский химия саноати илмий-текшириш институти ходимлари лаборатория тажрибалари орқали сариқ тутун составида кальций нитрат борлигини аниқладилар. Бундан қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган азот ўғити ишлаб чиқариш фойдаланса бўлади.

Ана шундай йўл билан ҳар йили арзон ва юқори сифатли ўғитдан юз минг тонналаб ишлаб чиқариш мумкин.

НЬЮ-ЙОРКДА СОВЕТ ИТТИФОҚИ БИЛАН ДЎСТЛИК МИТИНГИ

НЬЮ-ЙОРК, 15 ноябрь. (ТАСС). Кеча Нью-Йоркнинг прогрессив жамоатчилиги Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 41 йиллигини ва Қўшма Штатлар билан Совет Иттифоқи ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганлигининг 25 йиллигини тантанали нишонлади. Нью-Йоркдаги энг катта концерт зали «Карнеги-холл» залида меҳнаткашлар ва зиёлилар вакилларининг оммавий митинги бўлди. Бу митинг Америка-Совет дўстлиги миллий кенгаши томонидан ташкил этилди.

Америка-Совет дўстлиги жамияти миллий кенгашининг раиси таниғлик рассом ва жамоат арбоби Рокуэл Кент митингни очаётиб, чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқа қилувчи совет жамиятлари союзидан, совет фани ва маданияти вакилларидан олинган табрик телеграммаларини ўқиб берди. У Америка-Совет дўстлиги жамияти миллий кенгашининг жавоб телеграммасини ҳам ўқиб эшиттирди. Жавоб телеграммасида айтиладики, Совет Иттифоқининг америкалик дўстлари Октябрь революцияси байрамини Совет давлати вужудга келган байрам сифатидагина эмас, балки «бутун инсоннят учун ғоят катта аҳамиятга эга бўлган воқеа»дек нишонламоқдалар.

Поль Робсоннинг рафиқаси Эсланда Робсоннинг нутқи гулдурос қарсаклар билан кутиб олинди. У Совет Иттифоқига қилган сафари вақтида олган таассуротларини гапириб берди. СССРда Поль Робсоннинг ва ўзининг доимо самимият ва дўстлик билан кутиб олинганлигини таъкидлади.

Американинг машҳур тарихчиси, Совет Иттифоқи тўғрисидаги бир қанча китобларинг автори профессор Фредерик Шуман катта нутқ сўзлади.

Шундан кейин сўзга чиққан Американинг таниғлик жамоат арбоби Корлисс Ламонт бундай деди: «Биз бу ерда йилликни уч сабаблан нишонламоқдамиз: биринчидан, Совет давлати барпо этилганлиги учун; иккинчидан, Совет Иттифоқи гитлерчи галаларга қарши бардош бериб, ғалаба қозонганлиги ва инсониятни фашизмдан халос қилганлиги учун; ва учинчидан, СССРнинг урушдан кейинги сиёсати империалистик агрессияга қаршилик кўрсатиш сиёсати бўлганлиги учун нишонламоқдамиз». У Америка Қўшма Штатлари ҳукуматининг ташқи сиёсатини қаттиқ танқид қилиб, бу сиёсатни бемаъни, ахлоқсиз ва иккиюзламалик сиёсат деб атади.

Ламонт Н. Хрушчев докладининг тезисларида кўрсатилган маълумотларни 1965 йилда СССРда саноат ишлаб чиқаришни 1958 йилги кўрсаткичлардан 80 процент ошажаги тўғрисидаги маълумотларни келтирди ва бу план бажарилади, деб ишонч билдирди. Ламонт сўзининг охирида урушга қарши, бутун дунёда тинчлик учун кураш олиб боришга чақирди.

Н. С. Хрушчевнинг КПСС XXI съездида қиладиган докладининг тезислари ҳақида чет эл матбуотининг ёзганлари

ИТАЛИЯ

РИМ, 16 ноябрь. (ТАСС). «Унита» газетаси «Дунё тамомила бошқача тус олмоқда» деган сарлавҳа остида Н. С. Хрушчевнинг КПСС XXI съездида қиладиган докладининг тезисларига бағишланган редакцион мақолани босиб чиқарди. Газета ёзади: Капитализм дунёси билан бўлаётган мусобақанинг ҳал қилувчи босқичи бошланди. Совет Иттифоқи ана шу мусобақада бироз вақт ўтганидан кейин (10-15 йил) аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасида буржуазиянинг қалъаси бўлган Қўшма Штатларга етиб олиш ва ундан ўзиб кетишдан иборат тарихий вазифани бажаради. Шу тариқа ишчи ва деҳқонларнинг социалистик давлати дунёда энг қудратли ва энг бой мамлакатга айланади. Аммо, бундан анча вақт илгари, тахминан етти йил кейин ҳал қилувчи бошқа воқеа рўй беради. Ана шу воқеанинг оқибатларини ҳозирги вақтда олдиндан башорат қилиб айтиш ҳам қийин: Бутун дунё кучларнинг нисбати тамомила ўзгариши маъносида бошқа тус олади. 1965 йилга келганда социалистик мамлакатлар жаҳон саноат маҳсулотининг ярмидан кўпроғини ишлаб чиқарадилар.

АҚШ

НЬЮ-ЙОРК, 16 ноябрь. (ТАСС). Якшанба куни чиқадиган «Нью-Йорк таймс» ва «Нью-Йорк геральд трибюн» газеталари Н. С. Хрушчевнинг 1959-1965 йиллар мобайнида СССР халқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисида КПСС XXI съездида қиладиган доклади тезисларини кенг шарҳламоқдалар. «Нью-Йорк таймс» газетаси «Ҳафта ичидаги воқеалар» бўлимида қуйидагиларни ёзади: Совет Иттифоқи иқтисодий тараққиётининг янги плани иқтисодий соҳада «Россиянинг Қўшма Штатлар ва ғарбга қарши шу вақтгача қўйилган қадам даражасини ошириш»нинг улуғвор истиқболларини кўрсатади. 1970 йилга келиб, эҳтимолки ундан ҳам олдин, СССР ишлаб чиқаришнинг обсолют ҳажми бўйича, шунингдек аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ҳам жаҳонда биринчи ўринга чиқади. Бу эса, Хрушчев тезисларида таъкидланганидек, капитализм билан тинч мусобақада социализмнинг жаҳоншумул тарихий ғалабаси бўлади».

Газета бу планларнинг ҳаммаси совет кишиларининг турмуш савиясини оширишга қаратилган, деб таъкидлаб ёзмоқда. — «Етти йиллик план капиталистик дунёни мусобақалашишга таклиф этиш демакдир ва совет сиёсатининг тинчлик сиёсати эканлигини исбот этади».

«Катимерини» газетаси бундай деб ёзади: «1965 йилдан кейин беш йил ўтгач Россия ишлаб чиқариши умумий ишлаб чиқариш жиҳатидан ҳам, аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш жиҳатидан ҳам жаҳонда энг юксак турмуш даражасини таъминлайди. Коммунизмнинг моддий техника базаси ана шу тариқа вужудга келтирилади». «Акрополис» газетасининг сарлавҳасида: «Хрушчев улуғ етти йиллик планни баён қилмоқда, бу планнинг амалга оширилиши бутун дунёни қойил қолдиради. План Ғарбни тинч мусобақага даъват қилади» дейилган. «Етти йиллик план бутун дунёни ҳайратда қолдиради», — деб ёзади «Элефтерия» газетаси.

«Авги» газетаси: «Жаҳонда биринчи ўринни олиш учун олға ташланган катта қадам. СССРнинг янги етти йиллик плани, олти соатлик иш куни, ҳафтада беш иш куни» деб ёзмоқда. «Н. С. Хрушчев доклади тезисларида келтирилган рақамлар, — деб давом этади «Авги» газетаси, — совет экономикасини ривожлантиришнинг ҳамда совет халқининг турмуш даражасини оширишнинг улуғвор истиқболларини кўрсатади. 1970 йилга келиб, эҳтимолки ундан ҳам олдин, СССР ишлаб чиқаришнинг обсолют ҳажми бўйича, шунингдек аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ҳам жаҳонда биринчи ўринга чиқади. Бу эса, Хрушчев тезисларида таъкидланганидек, капитализм билан тинч мусобақада социализмнинг жаҳоншумул тарихий ғалабаси бўлади».

Газета бу планларнинг ҳаммаси совет кишиларининг турмуш савиясини оширишга қаратилган, деб таъкидлаб ёзмоқда. — «Етти йиллик план капиталистик дунёни мусобақалашишга таклиф этиш демакдир ва совет сиёсатининг тинчлик сиёсати эканлигини исбот этади».

«Катимерини» газетаси бундай деб ёзади: «1965 йилдан кейин беш йил ўтгач Россия ишлаб чиқариши умумий ишлаб чиқариш жиҳатидан ҳам, аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш жиҳатидан ҳам жаҳонда энг юксак турмуш даражасини таъминлайди. Коммунизмнинг моддий техника базаси ана шу тариқа вужудга келтирилади». «Акрополис» газетасининг сарлавҳасида: «Хрушчев улуғ етти йиллик планни баён қилмоқда, бу планнинг амалга оширилиши бутун дунёни қойил қолдиради. План Ғарбни тинч мусобақага даъват қилади» дейилган. «Етти йиллик план бутун дунёни ҳайратда қолдиради», — деб ёзади «Элефтерия» газетаси.

СССР БИЛАН ХИНДИСТОН ЎРТАСИДА ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРГА ДОИР

Совет-Ҳиндистон қўшма ахбороти

Дўстона ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик руҳида ўтган музокаралар-нинг муваффақиятли тамом бўлганлиги натижасида 1958 йил 16 ноябрда Москвада СССР билан Ҳиндистон ўртасида 5 йилга мўлжалланган Савдо битими имзоланди.

СССР билан Ҳиндистон ўртасида 1953 йил 2 декабрда тузилган биринчи Савдо битими Совет — Ҳиндистон савдо муносабатларини ривожлантириш соҳасида катта роль ўйнади ва ҳар иккала мамлакат ўртасида савдо оборотини анча кенгайтирди.

1958 йил 16 ноябрда имзоланган янги Савдо битимида айтилишича, ҳар иккала мамлакатнинг ҳукуматлари савдо муносабатларини кучайтирадилар ва тенг ҳуқуқлилик ҳамда ўзаро манфатдорлик асосларида ҳар иккала мамлакат ўртасидаги савдо-сотиқ ҳажмини мумкин бўлган қадар максимал даражада кўпайтирадилар. Бу янги Савдо битими Совет-Ҳиндистон иқтисодий муносабатларини ривожлантиришда янги муҳим босқичдир.

Битимда, жумладан, ҳар иккала мамлакат ўртасида савдо-сотиқ соҳасида энг кўп қулайлик туғдирадиган режимни ўзаро кўлланиш, шунингдек ҳисоб-китобнинг тўлов муомалалари ўтказиладиган ҳинд рупияларини фунт стерлинг ёки бошқа валютага конверсия қилмай, клиринг формаларини татбиқ этиш кўзда тутилади. Бу эса ҳар иккала мамлакатнинг чет эл валютасини сарф қилмай балансалаштирилган асосда савдо-сотиқ олиб бориш йўлидаги интилишларига муносибдир.

СССРдан Ҳиндистонга экспорт қилинадиган товарлар рўйхатида машина-ускуналарнинг ҳар хил турлари, шу жумладан саноат корхоналари учун комплект машина-ускуналар, шунингдек энергетика, нефть пармалаш ускуналари, кўмир саноати учун керакли машина-ускуналар, ирригация иншоотлари қурилиши учун керакли машина-ускуналар, ҳар хил станоклар ва инструментлар, тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналари, қора металлар прокати, рангли металлар. Ўғитлар, бўёқлар, целлюлоза, қоғоз, асбест ва бошқа саноат материаллари ҳамда буюмлари, нефть маҳсулотлари, дон маҳсулотлари, кинофильмлар, босма асарлар ва бошқа товарлар бор.

Ҳиндистондан СССР га экспорт қилинадиган товарлар рўйхатида Ҳиндистон экспортининг традицион бўлиб қолган товарлари — чой, специялар, чарм, жун, тамаки, шеллак, кашью ёнғоғи, ўсимлик ва эфир мойи, шунингдек саноат буюмлари, жумладан жут газлама ва қоплар, кўн-теридан ясалган буюмлар, жумладан пойафзал, жун газлама, кокос ёнғоғи толасидан тайёрланган буюмлар ва бадиий ҳунармандчилик буюмлари, кинофильмлар, босма асарлар ва бошқа товарлар бор.

Музокаралар давомида 1959 йилда Совет Иттифоқидан Ҳиндистонга экспорт қилинадиган машина-ускуналар, саноат материаллари ҳамда буюмларини ва совет ташкилотларининг ҳинд экспортининг традицион бўлиб қолган товарларини ва Ҳиндистон саноатининг бир қанча маҳсулотларини тегишли суммаларда анча кўпайтириш масалалари муҳокама қилинди ва шу тўғрида бир битимга келинди.

Совет томони 1959 йилда Ҳиндистон товарларини Совет Иттифоқининг илгари Ҳиндистонга берган кредитларини қоплаш учун олинадиган маблағлар ҳисобига ҳам сотиб олади.

Томонлар ҳар иккала мамлакат ўртасида савдо-сотиқ муносабатларини янада ривожлантириш мақсадида совет ташқи савдо ташкилотлари билан Ҳиндистон давлат ташкилотлари ўртасида савдо алоқаларини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга ёрдам бериш ҳақида ҳам бир қарорга келдилар.

Битимни совет томонидан Ташқи савдо министри Н. С. Патоличев, Ҳиндистон томонидан Ҳиндистоннинг СССРдаги элчиси К. П. Ш. Менон имзоладилар.

Битимни имзолаш вактида Ташқи савдо министри Н. С. Патоличев ва Ҳиндистоннинг СССР даги элчиси К. П. Ш. Менон нутқ сўзладилар.

СССР билан Ҳиндистон ўртасида янги савдо битимининг тузилиши муносабати билан Ташқи савдо министри Н. С. Потоличев кечки зиёфат берди. Бу зиёфат самимий дўстона вазиятда ўтди.

ТАБИАТШУНОС БЛОКНОТИДАН

Ёввойи хурмо

Хурмо 200-300 йил яшайдиган серҳосил дарахтдир. У хурмосимонлар туркумига киради, барглари ўйрик эллипс шаклида бўлиб, кўкимтир-заъфарон рангладир. Хурмо дарахти май ойида гуллаб, меваси август, сентябрь ойларида пишади. Хурмо субтропик ўсимлик бўлса ҳам, совуққа анча чидамлидир, 18-20 градус совуқда ҳам яхши ўсиб, мева қилади. У, табиий ҳолда уруғдан униб кўпаяди, тупроқни унча талаймайди.

Қадим замонларда содда кишилар хурмони «Жаннат меваси, Макка-Мадинада ўсади, табаррук», деб истеъмол қилганлар. Улар хурмо дарахтининг бизда ўсиб, мева беришини билмас эдилар.

Хурмо ер юзида кенг тарқалган бўлиб, кўпгина мамлакатларда учратиш мумкин. Шарқ мамлакатларида, айниқса, арабларда хурмо машҳурдир. У ерларда хурмонинг 200 га яқин тури ёввойи ҳолда тропик ва субтропик областларда ўсади.

СССР да хурмо ёввойи ҳолда Кавказ (Озарбайжон ССР да 1000 гектар ерни ишғол қилади). Помирда, Олой тоғ тизмаларининг (Ўзбекистон) Ҳисор этакларида кўплаб ёки якка-якка ҳолда учрайди. Бу ерларда ҳатто ёввойи хурмо ўрмонлари ҳам бор.

Хурмо дарахтининг меваси жуда ширали, мазали бўлиб, кишн организми учун фойдалидир.

Хурмо мевасидан озиқ-овқат саноатида кенг фойдаланилади. Ундан ширали маҳсулотлар ва вино заводларида спиртли ичимликлар тайёрлашда фойдаланилади. Хурмо мевасида 67 процентга қадар аъло сифатли қанд моддаси бўлиб, кишн организмида енгил ҳазм бўлади. Бундан ташқари унда турли фойдали витаминлар, гулларида эса кўплаб нектар моддаси бор.

Хурмо дарахти ёғочи эса халқ хўжалигида муҳим ўрин тутади. Ундан гулдор, чиройли нақшдор мебель, турли чолғу асбоблари ясашда фойдаланилади. Бундан ташқари саноатда ҳам ишлатилади.

Бу фойдали ўсимликни кўплаб экиб, парвариш қилиш, табиий ҳолда учрайдиганларини эса яхши сақлаш керак.

М. ТУЙЧИЕВ,
биология фанлари кандидати.

Телевизор экранида

18 НОЯБРДА

19.30. Кичкинтойлар учун эшиттириш: мультфильм.

19.50. Ўзбек тилида адабий эшиттириш.

20.10. «Бирлашган ядро синовлари институти» ва «Тянь-Шанда туғилганлар» деган хужжатли фильмлар.

21.10. Сўнгги ахборот.

21.25. Ўзбек тилида қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш.

21.40. Рус тилида «Музикали календарь».

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

Тошкенттинг тамоша заллари

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 19/XI да **Олтин кўл.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 19/XI да **Янги программа** ва 50 лилипут артист иштироки билан **музикали аттракционнинг давоми.**

«ИСКРА» «ЎЗБЕКИСТОН» кундуз ва кечқурун **Капитан Мартенс хазинаси.**

«ЕШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да **Шўх йигитлар** кундуз соат 2 дан **Герак оиласи.**

ТОШКЕНТ ТЭЦИГА

5 ва 6-разрядли слесарлар, агрегат мотористлари, бульдозерчилар, турбина ва қозон машинистлари ёрдамчилари, ёрдамчи ишчилар, обдувшчиклар, зольщиклар

КЕРАК

Б. Хмельницкий кўчаси, 58-уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

Тошкент шаҳар, Брест кўчаси, 6- уй, 3- квартирада турувчи **Ольга Григорьевна Елкинанинг** Тошкент область, Мирзачўл район, 16- СМУда турувчи Иван Андреевич Елкиндан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район, 3- участка ҳалқ судида кўрилади.

КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ ЎЗБЕКИСТОН КОНТОРАСИ КИНОУСТАНОВКА ЭКРАНЛАРИГА

СОХТАЛИК

НОМЛИ ЯНГИ КИНОПОВЕСТЬ ЧИҚАРАДИ.

Сценарий автори — **Эдуард Фикер.**

Режиссёр — **Владимир Борский.**

Оператор — **Юлнус Вегрихт.**

Бош ролларда: **Вацлав Видра, Власта Матулова, Витезслав Вейражка, Франтишек Ганус, Станислав Нойманн** ва бошқалар қатнашади.

Фильмни Баррандовдаги Чехословак фильми киностудияси 1958 йилда ишлаган. М. Горький номли киностудияда рус тилига таржима (дубляж) қилинган.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34. **РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:** коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 34808, 136, Совет қурилиши бўлими 136, Маданият бўлими — 132, Алабнёт ва санъат бўлими — 29040, 135, Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135 Саноат ва транспорт бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156, Маҳаллий ахборот бўлими — 132, Секретариат — 29040. Элонлар бўлими — 38142.

Р. 10008. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Б-612.